



Миллатнинг дардларига дармон бўлмоқ вазифангиздир. Адолат  
ва озодлик – дастурингиз, раҳбарингиз бўлсин.

*Амир Темур*






Минҳожиддин Мирзо

# СОҲИБҚИРОН ЁҒДУСИ

*Маърифий достон*



Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи  
Тошкент – 2022

UO‘K 821.512.133-1

KBK 63.3(50‘)4

M 54

Aziz bolalar!

Sohibqiron Amir Temur bobomiz siy whole, ular barpo etgan saltanat asoslarini anglash, shaxsini idrok etishda uning davlatniadolat ila boshqarish borasidagi qarashlari bitilgan “Temur tuzuklari” kitobi qimmatli manba bo‘lib xizmat qiladi. Taniqli shoir Minhojiddin Mirzo ushbu ma’rifiy dostonida buyuk bobomiz tuzuklari va o‘gitlari zamiridagi ma’no va hikmatlarni teranroq anglashingiz uchun ular mazmun-mohiyatini o‘ziga xos qiyosiy misollar yordamida she’riy talqin etadi.

Ushbu asar siz aziz farzandlarimiz bilan birga, ustoz va muallimlaringiz uchun ham Amir Temur shaxsiyatini anglashga bag‘ishlangan ma’rifiy tadbirlar tashkil etishda muhim qo‘llanma bo‘lib xizmat qiladi, degan umiddamiz. Zero, Amir Temur shaxsiga hurmat buyuk ajdodlarimizga, o‘zligimizga, boy tarixiy merosimiz, millatimizga bo‘lgan yuksak ehtirom namunasidir.

ISBN 978-9943-03-747-2

© Minhojiddin Mirzo  
© G‘afur G‘ulom nomidagi  
nashriyot-matbaa ijodiy uyi,  
2016, 2022

## “ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ”ДАН ИЛҲОМЛАНИ...

“Темур тузуклари” асари – ўзбек маданиятининг нодир ёдгорликларидан бири, жаҳон адабиётида монанди кам асар. Унинг фавқулодда оҳанрабоси бор. Шу сабабдан ҳам олти юз йил ўтибдирки, жаҳонда бу нодир асарга қизиқиш сусаймайди, балки тобора ортиб боради, тиллардан тилларга таржима бўлади, у ҳақда мақолалар ёзилади, тадқиқотлар қилинади. Жараён давом этаверади. Сабаби содда: бу нодир асар Соҳибқирон Амир Темур қаламига мансубдир. Ундаги донишмандона фикрлар, фалсафий умумлашмалар, халқимизнинг кўп асрлик тажрибаларидан келиб чиқсан ҳаётий хуносалар қаймоғи кишини ҳайратга солади. Ҳа, бу китоб мураккаб ҳаётни, турмуш машаққатларини ўз бошидан кечирган буюк давлат арбоби, бунёдкор, илм-фан ҳомийси ва буюк саркарда, “золимларнинг илкини мазлумлардан қисқа қилган” султон томонидан ёзилганилиги билан ажралиб туради. Бу асар ижодкорни илҳомлантирмай қолмайди, у дилга мадад, кувват беради, беихтиёр кўлга қалам тутқизади.

Таникли шоир Минҳожиддин Мирзо ҳам буюк бобокалонимизга эъзозу эҳтиром сифатида унинг табаррук хотирасига таъзим бажо айлаб, “Соҳибқирон ёғдуси” номли маърифий достонини қоғозга туширди.

Достонда Соҳибқирон ва унинг фаолияти, ибратли ҳаёти ўзига хос йўсинда талқин этилади. “Тузуклар”даги ҳикматларни ўқиб, шоир улар замирида ётган теран маъноларни илғашга ҳаракат қиласди, ўзича излаб топади ва уни қўйма сатрларга айлантиради. Амир Темурнинг шундай пурмаъно сўзлари бор: “Раъият ахволидан огоҳ бўлдим, улуғларини оға қаторида, кичикларини фарзанд ўрнида кўрдим.” Бир қараганда содда сўзлар. Лекин унинг моҳиятида пароқанда элни бирлаштириш, юртни мустаҳкамлаш деган катта мақсад мұжассам. Шоир ундан илҳомланиб шундай сатрлар битади:

Раъият ҳолидан огоҳ бўл доим,  
Оқибат зиёсин кўксингда сақла.  
Сенга мадад берар шунда Худойим,  
Шоҳ бўл, лек инсонлик бурчингни оқла.

Ёки: “Хар мамлакатдаadolat эшигини очдим, зулму ситам йўлини тўсдим”, деб ёзгандилар Соҳибқирон ҳазратлари. Шоир эса бу ҳаётий ҳикматни шундай талқин этади:

Адолат мезонин маҳкам тут доим,  
Ёмонга босмасин ҳеч вақт тарози.  
Айборга жазо-ю оқилга карам –  
Айласанг, ҳукмингдан Оллоҳ ҳам рози.





Амир Темур ҳаётини, унинг салтанатни бошқаришдаги фаолиятини, шу жумладан, “Темур тузуклари” китобини ўрганганки инсон Соҳибқирон бобомиз бутун умри давомида, қайсики ишга киришмасинadolатни ўзига дастуриламал деб билганини, “Куч –adolatda” деган шиор бутун фаолияти асосини ташкил этганлигини англайди. Достонда Соҳибқирон фаолиятидаги мана шу жиҳатларга алоҳида эътибор билан ёндашилади.

Темурийлар тарихи жаҳон тамаддунининг асоси –adolatli сиёсат, тафаккур ва заковат, маънавий-маърифий ислоҳотлар тарихидан иборат. Минҳожиддин Мирзо ўзбек адабиётида илк бор Соҳибқирон Амир Темур “Тузуклар”и моҳиятини ўсиб келаётган ёш авлодга бадиий воситалар, таъсирчан усусларда етказиш мақсадида уни шеърий монолог шаклида яратди. Асар умумтаълим мактаблари ва олий ўқув юртлари ўқувчи ҳамда талабалари, ички ишлар, божхона, солиқ идоралари тизимидағи таълим муассасалари курсантлари, ёш ватан ҳимоячилари томонидан қизгин кутиб олинди. Китобхонлар орасида тез оммалашди. Мазкур маърифий достоннинг 2015 йилда Халқаро Амир Темур хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Бадиий академияси, Темурийлар тарихи давлат музейи томонидан эълон қилинган “Энг яхши бадиий-публицистик асарлар” кўрик-тандловида биринчи ўринга сазовор бўлганлиги ҳам бежиз эмас.

Бугун таълим масканлари, жумладан, ҳарбий таълим муассасаларида Соҳибқирон давлатчилик сиёсатининг моҳиятини ёшлар қалбига жо этишда бу ёндашув ижобий самара бермоқда. Энг муҳими, Минҳожиддин Мирзонинг “Тузуклар”ни шеърий монолог шаклида бериш борасидаги янгича талқини амалиётда ўзини оклади. Кўплаб илм даргоҳларида, “Темурбеклар мактаблари”да достон асосида кичик саҳна кўринишлари намойиш этилмоқда. “Амир Темур “Тузуклари” билимдони” тандловлари ўтказилмоқда. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, бир қатор адиблар Амир Темур “Тузуклар”и моҳиятини ёш авлод онгу шуурига етказишда айнан Минҳожиддин Мирзога хос бўлган талқин ва услубни, шеърий шаклни ижодий ўзлаштириб, ундан андоза олмоқда. Бу ҳам танланган бадиий шакл ва ижодкор маҳоратининг ўзига хос эътирофидир.

Буюк Амир Темур – нафақат миллий давлатчилик, мардлиқ ва олийжаноблик рамзи, балки ўзлигимиз тимсоли ҳамдир. “Соҳибқирон ёғдуси” достонига миллий ўзликни англаш йўлида ташланган мардона қадамлардан бири сифатида қаралиши керак. Достон ёшларимиз учун “Темур тузуклари” сингари нодир асар моҳиятини яхшироқ ва чуқурроқ англашда, бинобарин, тарихимизни ўрганишда холис хизмат кўрсатишига шубҳа йўқ.

*Муҳаммад Али,  
Ўзбекистон халқ ёзувчиси*

## *SOHIBQIRON YOG'DUSI*

### **MUQADDIMA**

Ezgu hikmatlarning umri boqiyidir,  
Asrlar o'tsa ham quyoshday nurli.  
O'g'lim, Amir Temur tuzugiga boq,  
Anglaysan u qanday odil, g'ururli.

O'ktam bobolarga izdosh avlodsan,  
Qadding tut, ma'rifat quyoshing bo'lsin.  
Bobongdan qolgan u ulug' meroslar,  
Har lahza panohing – yo'ldoshing bo'lsin.

### **СОҲИБҚИРОН ЁҒДУСИ**

### **МУҚАДДИМА**

Эзгу ҳикматларнинг умри боқийдир,  
Асрлар ўтса ҳам қуёшдай нурли.  
Ўғлим, Амир Темур тузугига боқ,  
Англайсан у қандай одил, ғурурли.

Ўқтам боболарга издош авлодсан,  
Қаддинг тут, маърифат қуёшинг бўлсин.  
Бобонгдан қолган у улуғ мерослар,  
Хар лаҳза паноҳинг – йўлдошинг бўлсин.





*“O‘g‘illarim! Millatning ulug‘ martabasini, saodatini saqlamoq uchun sizlarga qoldirayotgan vasiyat va tuzuklarni yaxshi o‘qing, aslo unutmang va tatbiq eting. Millatning dardlariga darmon bo‘lmoq vazifangizdir”.*

*“...Sultanat qurish, davlat tutish ishlarini bir necha tuzukka bog‘ladim va sultanat boshqarish haqida qo‘llanma (dasturilamal) yozib qoldirdim, toki farzandlarim va avlodimdan bo‘lganlarning har biri unga muvofiq ish yuritsin... ” \**


\* \* \*

Tabiat qo‘ynida turfa rang olam  
Har gulning ochilmoq lahzasi tayin.  
Mavjuddir sirli bir tartib-qoida,  
Donishmand dil uni anglar kun sayin.

Hamal ham shu qonun eng ajib bandi,  
Dov-daraxt, tabiat shijoatdadir.  
Bir dam muvozanat buzilmas aslo,  
Olam qonuniga itoatdadir.

Har biri shu qonun bo‘yicha yashar,  
Tartib bor, to‘rt fasl go‘yo fuqaro.  
Shularga ibrat-la tashlagil nazar,  
Borliq ham yashaydi ijrolar aro.

Davlatlar bordirki, tirkagi – qonun,  
Usiz tartib bo‘lmas, usiz obodlik.  
Men shunday qonunlar yaratdim, toki,  
Itoat asosi bo‘lsin ozodlik!



\* “Temur tuzuklari” kitobidan

*“Ўғилларим! Миллатнинг улуғ мартабасини, саодатини сақламоқ учун сизларга қолдираётган васият ва тузукларни яхши ўқинг, асло унумтманг ва татбиқ этинг. Миллатнинг дардларига дармон бўлмоқ вазифангиздир”.*

*“...Салтанат қуриш, давлат тутшии ишларини бир неча тузукка боғладим ва салтанат бошқариши ҳақида кўлланма (дастуриламал) ёзib қолдирдим, токи фарзандларим ва авлодидан бўлғанларнинг ҳар бири унга мувофиқ иши юритсин... ” \**

\* \* \*

Табиат қўйнида турфа ранг олам  
Ҳар гулнинг очилмоқ лаҳзаси тайин.  
Мавжуддир сирли бир тартиб-қоида,  
Донишманд дил уни англар кун сайин.

Ҳамал ҳам шу қонун энг ажиб банди,  
Дов-дараҳт, табиат шиҷоатдадир.  
Бир дам мувозанат бузилмас асло,  
Оlam қонунига итоатдадир.

Ҳар бири шу қонун бўйича яшар,  
Тартиб бор, тўрт фасл гўё фуқаро.  
Шуларга ибрат-ла ташлагил назар,  
Борлик ҳам яшайди ижролар аро.

Давлатлар бордирки, тиргаги – қонун,  
Усиз тартиб бўлмас, усиз ободлик.  
Мен шундай қонунлар яратдим, токи,  
Итоат асоси бўлсин озодлик!


\* “Темур тузуклари” китобидан



*“Kimki bizning qudratimizga shubha qilsa, biz qurdirgan binolarga qarasin”.*

\* \* \*

Inson kuch-u qudrati hech,  
Qilichdamas, yodda tut.  
Qirg‘in bilan yurt ko‘karmas  
Zulm-zo‘rlikni unut.  
Qudrat bilan ulug‘ tangrim,  
Bino etmish yer-ko‘kni.  
Ibratiga tolib etmish,  
Men kabi odil – bekni.  
Shundan qayga ot solmayin  
Dilga joylab jur’atni.  
Obodlikka sarf ayladim,  
Ilkimdag'i qudratni.  
Qudratimga shubha qilgan,  
Haqiqatni so‘rasin.  
Bizlar bunyod etgan ulug‘ –  
Binolarga qarasin!



*“Кимки бизнинг қудратимизга шубҳа қилса, биз қурдирган биноларга қарасин”.*

\* \* \*

Инсон кучу қудрати ҳеч,  
Қиличдамас, ёдда тут.  
Қирғин билан юрт қўкармас  
Зулм-зўрликни унут.  
Қудрат билан улуғ тангрим,  
Бино этмиш ер-кўкни.  
Ибратига толиб этмиш,  
Мен каби одил – бекни.  
Шундан қайга от солмайин  
Дилга жойлаб журъатни.  
Ободликка сарф айладим,  
Илқимдаги қудратни.  
Қудратимга шубҳа қилган,  
Ҳақиқатни сўрасин.  
Бизлар бунёд этган улуғ –  
Биноларга қарасин!






*“Garchi ishning qanday yakunlanishi taqdir pardasi ortida yashirin bo‘lsa ham, aqli raso va hushyor kishilardan kengash-u tadbir istab, fikrlarini bilmoq lozimdir. Ishbilarmon mardlik va shijoat sohibi, azmi qat’iy, tadbirkor va hushyor bir kishi ming-minglab tadbirsiz, loqayd kishilardan yaxshidir”.*

\* \* \*

Aql – Tangri qudratin  
Bir zarrasi, ziyozi.  
Bilim ila oboddir  
Insoniyat dunyosi.  
Har mushkulga yechimdir  
Tafakkurning mevasi.  
To‘fonlarda cho‘kmagay  
Aql-zako kemasi.  
U qorong‘u dillarni,  
Yoritguvchi chiroqdur.  
Kim aqlga suyanmas,  
Hushyorlikdan yiroqdur.  
Har mushkulda kengashgil,  
Tadbir so‘rab fikrin bil.  
Tangri rizosin desang,  
Oqillarni hurmat qil!




*“Гарчи ишнинг қандай якунланиши тақдир пардаси ортида яширин бўлса ҳам, ақли расо ва хушёр кишилардан кенгашу тадбир истаб, фикрларини билмоқ лозимдир. Ишибилармон мардлик ва шиэжоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва хушёр бир киши мингминглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир”.*

\* \* \*

Ақл – Тангри қудратин  
Бир зарраси, зиёси.  
Билим ила ободдир  
Инсоният дунёси.  
Ҳар мушкулга ечимдир  
Тафаккурнинг меваси.  
Тўфонларда чўкмагай  
Ақл-зако кемаси.  
У қоронғу дилларни,  
Ёритгувчи чироқдур.  
Ким ақлга суюнмас,  
Хушёрикдан йироқдур.  
Ҳар мушкулда кенгашгил,  
Тадбир сўраб фикрин бил.  
Тангри ризосин десанг,  
Оқилларни ҳурмат қил!






*“G‘anim lashkarini yengish qo‘shtinning ko‘pligidan, mag‘lub bo‘lish esa sipohning kamligidan bo‘lmaydi. Balki, g‘olib bo‘lmoqlig Tangrining madadi va bandasining tadbiri bilandir”.*

*“Yuz ming otliq askar qila olmagan ishni bir to‘g‘ri tadbir bilan amalgamoshirish mumkin”.*

\* \* \*

Tadbir asli tafakkurning  
Nuri – yorug‘ quyoshi.  
Dono tadbir donishmand dil  
Har qadamda hamrohi.  
Tadbir ila mushkullaring  
Qulflari yechilar.  
Tadbir ila tilsimlangan  
Darvozalar ochilar.  
To‘g‘ri tadbir el-u yurtning  
Tinchligi kafolati.  
Tadbir – ilm, zako asli  
Millatning saodati.  
Goho yuz ming askar bilan  
Bo‘lolmasang muzaffar.  
Bitta to‘g‘ri tadbir ila  
Seniki bo‘lg‘ay zafar!



*“Ганим лашкарини енгиши қўшиннинг кўплигидан, мағлуб бўлиш эса сипоҳнинг камлигидан бўлмайди. Балки, голиб бўлмоқлик Тангрининг мадади ва бандасининг тадбири биландир”.*

*“Юз минг отлиқ аскар қила олмаган ишни бир тўғри тадбир билан амалга ошириши мумкин”.*

\* \* \*

Тадбир асли тафаккурнинг  
Нури – ёруғ қуёши.  
Доно тадбир донишманд дил  
Хар қадамда ҳамрохи.  
Тадбир ила мушкулларинг  
Қулфлари ечилар.  
Тадбир ила тилсимланган  
Дарвозалар очилар.  
Тўғри тадбир элу юртнинг  
Тинчлиги кафолати.  
Тадбир – илм, зако асли  
Миллатнинг саодати.  
Гоҳо юз минг аскар билан  
Бўлолмасанг музaffer.  
Битта тўғри тадбир ила  
Сеники бўлғай зафар!






*“Adolat va insof bilan Tangrining yaratgan bandalarini o‘zimdan rozi qildim. Gunohkorga ham, begunohga ham rahm qilib, haqqoniyat yuzasidan hukm chiqardim. Xayr-ehson ishlarim bilan odamlar ko‘nglidan joy oldim”.*

*“Zolimlardan mazlumlar haqqini oldim. Zolimlar yetkazgan ashyoviy va jismoniy zararlarni isbotlaganimdan keyin, ularni shariatga muvofiq odamlar o‘rtasida muhokama qildim va bir gunohkorning o‘rniga boshqasiga jabr-zulm o‘tkazmadim”.*

\* \* \*

Suvsizlikdan madadga muhtoj,  
Quriyotgan niholni ko‘rsang.  
Bir kosa suv topib quy albat,  
Magarda sen chin inson bo‘lsang.  
Qum to‘ldirgan bo‘lsa ko‘zini  
Ko‘magingga zor bo‘lsa buloq.  
Madad qo‘lin cho‘zib yordam ber,  
Yaxshilik qil unga sen shu choq.  
Mazlumlar ham parvarishga zor,  
Madad kutsa qoshiga kelgil.  
Zolimlarning changalidan sen,  
Ular haqqin undirib bergil!




*“Адолат ва инсоф билан Тангрининг яратган бандаларини ўзимдан рози қилдим. Гуноҳкорга ҳам, бегуноҳга ҳам раҳм қилиб, ҳаққоният юзасидан хукм чиқардим. Хайр-эҳсон ишларим билан одамлар кўнглидан жой олдим”.*

*“Золимлардан мазлумлар ҳаққини олдим. Золимлар етказган ашёвий ва жисмоний заарларни исботлаганимдан кейин, уларни шариатга мувофиқ одамлар ўртасида муҳокама қилдим ва бир гуноҳкорнинг ўрнига бошқасига жабр-зулм ўтказмадим”.*

\* \* \*

Сувсизликдан мададга муҳтож,  
Куриётган ниҳолни кўрсанг.  
Бир коса сув топиб қуй албат,  
Магарда сен чин инсон бўлсанг.  
Кум тўлдирган бўлса кўзини  
Кўмагингга зор бўлса булоқ.  
Мадад қўлин чўзиб ёрдам бер,  
Яхшилик қил унга сен шу чоқ.  
Мазлумлар ҳам парваришга зор,  
Мадад кутса қошига келгил.  
Золимларнинг чангалидан сен,  
Улар ҳаққин ундириб бергил!






*“Shijoatli kishilarni do‘st tut, chunki Tangri taolo jasur kishilarni ardoqlaydi”.*

\* \* \*

Do‘stlikdan kelgaydir baraka-yu qut,  
Beburd kimsalarning do‘stligin unut.  
Oqibatsiz dilni etmagil hamroh,  
Do‘st tutsang shijoat sohibin do‘st tut.

Do‘sting mard bo‘lsa gar ko‘ngling ham shoddir,  
Matonatli dilga tanballik yotdir.  
Azm-u shijoatni ulug‘la har dam,  
Jasur do‘st har ishda senga qanotdir.

Qoshingda tutmagil, qilma marhamat,  
Ko‘ngliga o‘ktamlik, mardlik yotlarni.  
Jasurlikda e’zoz, saxovat, himmat,  
Tangri ham ardoqlar jasur zotlarni.



*“Шижаатли кишиларни дўст тут, чунки Тангри таоло жасур кишиларни ардоқлайди”.*

\* \* \*

Дўстликдан келгайдир баракаю қут,  
Бебурд кимсаларнинг дўстлигин унут.  
Оқибатсиз дилни этмагил ҳамроҳ,  
Дўст тутсанг шижаат соҳибин дўст тут.

Дўстинг мард бўлса гар кўнглинг ҳам шоддир,  
Матонатли дилга танбаллик ётдир.  
Азму шижаатни улуғла ҳар дам,  
Жасур дўст ҳар ишда сенга қанотдир.

Қошингда тутмагил, қилма марҳамат,  
Кўнглига ўқтамлик, мардлик ётларни.  
Жасурликда эъзоз, саховат, ҳиммат,  
Тангри ҳам ардоқлар жасур зотларни.






*“Ulamo bilan suhbatda bo‘ldim va pok niyatli, toza qalbli kishilarga talpindim. Ularning himmatlaridan ulush tilanib, muborak nafaslari bilan duo-fotiha berishlarini o‘tindim. Darvesh, faqir va miskinlarni o‘zimga yaqin tutdim, ularning ko‘ngillarini og‘ritmadim va hech bir talablarini rad etmadim”.*

\* \* \*

Daraxtlar-u o‘t-o‘lanlar ham  
Ko‘kka bo‘ylab, talpinib o‘sar.  
Xatarlardan ogoh etganday  
Qizg‘aldoqlar yo‘lingni to‘sar.  
Sahrodagi tashna yo‘lovchi  
Talpinganday zilol suv tomon.  
Saltanatni pok dillar asrab,  
El-ulusni saqlaydi omon.  
Yurtim obod, gullasin desang –  
Yuksak tursin asrlar osha.  
Pok dillarni e’zozla har vaqt,  
Sen ularga talpinib yasha!




*“Уламо билан сүхбатда бўлдим ва пок ниятли, тоза қалбли кишиларга талпиндим. Уларнинг ҳимматларидан улуш тиланиб, муборак нафаслари билан дуо-фотиҳа беришларини ўтиндим. Дарвеш, фақир ва мискинларни ўзимга яқин тутдим, уларнинг кўнгилларини оғритмадим ва ҳеч бир талаабларини рад этмадим”.*

\* \* \*

Дарахтлару ўт-ўланлар ҳам  
Кўкка бўйлаб, талпиниб ўсар.  
Хатарлардан огоҳ этгандай  
Қизғалдоқлар йўлингни тўсар.  
Саҳродаги ташна йўловчи  
Талпингандай зилол сув томон.  
Салтанатни пок диллар асраб,  
Эл-улусни сақлайди омон.  
Юртим обод, гулласин десанг –  
Юксак турсин асрлар оша.  
Пок дилларни эъзозла ҳар вакт,  
Сен уларга талпиниб яша!






*“Azm-u jazm bilan ish tutdim. Biron ishni qilishga qasd qilgan bo‘lsam, butun zehnim, vujudim bilan bog‘lanib, bitirmagunimcha undan qo‘limni tortmadim”.*

\* \* \*

Ne ishga kirishsam, undan qaytmadim,  
Azm-u jazm ila men, ish boshin tutdim.  
Butun vujudim-la zehnim baxsh etib  
Goho halovat ne, orom, unutdim.

Qasd qilgan yumushga borlig‘im tikdim,  
Mehnat-u mashaqqat ochdi yo‘limni.  
Boshlagan ishimni bitirmaguncha  
Men undan tortmadim aslo qo‘limni.



*“Азму жазм билан иш тутдим. Бирон ишини қилишига қасд қилган бўлсам, бутун зеҳним, вужудим билан боғланиб, битирмагунимча ундан қўлимни тортмадим”.*

\* \* \*

Не ишга киришсам, ундан қайтмадим,  
Азму жазм ила мен, иш бошин тутдим.  
Бутун вужудим-ла зеҳним бахш этиб  
Гоҳо ҳаловат не, ором, унудим.

Қасд қилган юмушга борлиғим тикдим,  
Мехнату мاشаққат очди йўлимни.  
Бошлаган ишимни битирмагунча  
Мен ундан тортмадим асло қўлимни.





*“Hozirgi damgacha o‘tgan sultonlarning qonunlari va turish-turmushlarini donolardan so‘rab-surishtirdim. Har qaysilarining yo‘l yo‘riqlari, turish-turmushlari, qilish-qilmishlari, aytgan gaplarini xotiramda saqladim va xush axloqlari, ma’qul sifatlaridan namuna olib, unga amal qildim. Davlatlarining tanazzulga uchrashi sabablarini surishtirdim va davlat-u sultanat zavoliga sabab bo‘luvchi ishlardan saqlandim. Naslni buzuvchi, ocharchilik va vabo kasali keltiruvchi zulm va buzuqchilikdan saqlanishni o‘zimga lozim bildim”.*

\* \* \*


O‘tmishni o‘rgansang ulug‘ bir kitob,  
Ne-ne zotlar surmish, davr-u davronlar.  
O‘tganlar hayoti bizga bir xitob  
Qismatin, kechmishin bitmish sultonlar.

Donolar bazmida so‘rdim, o‘rgandim,  
Olam tartiblarin goh kun, tun qadar.  
Ne-ne sultanatlar o‘tmish, dilbandim  
Yaratilmish qancha tuzuk, qonunlar.

Ezgu amallar-u, ezgu tartiblar  
Har qadam xayrli ishni yoqladim.  
Neki o‘qidim men, neki o‘rgandim  
Barchasin xotirda doim saqladim.

Nedan sultanatga yetajak zavol,  
Nelar yemirguvchi tog‘day qasrni.  
Qay sifat asragay, qay tutum ma’qul  
Nelar bezagaydir elni, naslni.

Yo‘l qo‘ymadim aslo, zulm-zo‘rlikka,  
Shunda el-ulus-u, Haq-la yoqlandim.  
Naslni buzuvchi qabih ishlardan –  
Zulm-u buzuqlikdan doim saqlandim.



*“Ҳозирги дамгача ўтган султонларнинг қонунлари ва туриш-турмушларини донолардан сўраб-суриштирдим. Ҳар қайсиларининг йўл-йўриқлари, туриш-турмушлари, қилиш-қилмислари, айтган гапларини хотирамда сақладим ва хуши ахлоқлари, маъқул сифатларидан намуна олиб, унга амал қилдим. Давлатларининг таназзулга учраши сабабларини суриштирдим ва давлату салтанат заволига сабаб бўлувчи ишлардан сақландим. Наслни бузувчи, очарчилик ва вабо касали келтирувчи зулм ва бузуқчиликдан сақланишни ўзимга лозим билдим”.*

\* \* \*

Ўтмишни ўргансанг улуғ бир китоб,  
Не-не зотлар сурмиш, давру давронлар.  
Ўтганлар хаёти бизга бир хитоб  
Қисматин, кечмишин битмиш султонлар.

Донолар базмida сўрдим, ўргандим,  
Оlam тартибларин gox кун, тун қадар.  
Не-не салтанатлар ўтмиш, дилбандим  
Яратилмиш қанча тузук, қонунлар.

Эзгу амаллару, эзгу тартиблар  
Ҳар қадам хайрли ишни ёқладим.  
Неки ўқидим мен, неки ўргандим  
Барчасин хотирда доим сақладим.

Недан салтанатга етажак завол,  
Нелар емиргувчи тоғдай қасрни.  
Қай сифат асрагай, қай тутум маъқул  
Нелар безагайдир элни, наслни.

Йўл қўймадим асло, зулм-зўрликка,  
Шунда эл-улусу, Ҳақ-ла ёқландим.  
Наслни бузувчи қабиҳ ишлардан –  
Зулму бузуқликдан доим сақландим.





*“Menga iltijo qilib kelgan badkirdor odamlar, xoh menga yaxshilik qilgan bo‘lsinlar, xoh yomonlik, sultanat taxtiga o‘tirganimdan keyin ularni xayr-ehsonlarim bilan xijolatga qo‘ydim. Menga qilgan yomonliklarini qilmagandek ko‘rib, ularni yomon qilmishlari daftari ustiga afv qalaminis tortdim”.*


\* \* \*

Olovni olovla o‘chirib bo‘lmas,  
Gulxanni suv bilan so‘ndirar olim.  
Saxovat-u himmat yo‘lini tutsang  
Qoshingda bosh egar hattoki zolim.

Yo‘limda uchratdim qancha zotlarni  
Fozillar ichra men yaxshilik topdim.  
Goh esa badkirdor kimsalar bois,  
Zahmat-la zahar-u zaqqumlar totdim.

Adolat taxtida ilkim yetsa-da  
Alarga qilmadim aslo yomonlik.  
Xayr-u ehson ila etdim xijolat  
Lutf etib, afv etib berdim omonlik.

Ezgulik yuvadir ko‘ngil zangini  
G‘azab-la topilmas haq yo‘l – risolat.  
Yomon qilmishlarin daftari uzra  
Afv qalamin tortib qildim xijolat.



*“Менга илтижсо қилиб келган бадкирдор одамлар, хоҳ менга яхшилик қилган бўлсинлар, хоҳ ёмонлик, салтанат таҳтига ўтирганимдан кейин уларни хайр-эҳсонларим билан хижолатга қўйдим. Менга қилган ёмонликларини қилмагандек қўриб, уларни ёмон қилмишлари дафтари устига афв қаламини тортдим”.*

\* \* \*

Оловни оловла ўчириб бўлмас,  
Гулханни сув билан сўндирап олим.  
Саховату ҳиммат йўлини тутсанг  
Қошингда бош эгар ҳаттоки золим.

Йўлимда учратдим қанча зотларни  
Фозиллар ичра мен яхшилик топдим.  
Гоҳ эса бадкирдор кимсалар боис,  
Захмат-ла заҳару заққумлар тотдим.

Адолат таҳтида илким етса-да  
Аларга қилмадим асло ёмонлик.  
Хайру эҳсон ила этдим хижолат  
Лутф этиб, афв этиб бердим омонлик.

Эзгулик ювадир қўнгил зангини  
Ғазаб-ла топилмас ҳақ йўл – рисолат.  
Ёмон қилмишларин дафтари узра  
Афв қаламин тортиб қилдим хижолат.






*“Ra’iyat ahvolidan ogoh bo‘ldim, ulug‘larini og‘a qatorida, kichiklarini farzand o‘rnida ko‘rdim”.*

\* \* \*

Ra’iyat holidan ogoh bo‘l doim,  
Oqibat ziyozin ko‘ksingda saqla.  
Senga madad berar shunda xudoyim,  
Shoh bo‘l, lek insonlik burchingni oqla.

Ulug‘lar har biri bebahoh davlat,  
Hikmatlar jam bo‘lgan ulkan bir kitob.  
Kichiklar-chi, senga farzand, e’zozla  
Yodda tut, barchaga barobar oftob!



*“Раъият аҳволидан огоҳ бўлдим, улугларини ога қаторида,  
кичикларини фарзанд ўрнида кўрдим”.*

\* \* \*

Раъият ҳолидан огоҳ бўл доим,  
Оқибат зиёсин кўксингда сакла.  
Сенга мадад берар шунда худойим,  
Шоҳ бўл, лек инсонлик бурчингни оқла.

Улуғлар ҳар бири бебаҳо давлат,  
Ҳикматлар жам бўлган улкан бир китоб.  
Кичиклар-чи, сенга фарзанд, эъзозла  
Ёдда тут, барчага баробар офтоб!






*“Hokimlar, sipoh va ra’iyatdan qaysi birining xalqqa jabr-zulm yetkazganini eshitsam, ularga nisbatan darhol adolat-u insof yuzasidan chora ko’rdim”.*

*“Agar dorug‘alar va hakamlar xalqqa zulm qilib, ularni xarob qilgan bo‘lsalar, qilgan ishlariga loyiq jazo berdim”.*

\* \* \*

Dorug‘alar, hokimlar asli  
Adolatning peshvosidirlar.  
Raiyatga panoh, birodar,  
Bir oila – oshnosidirlar.  
Xalq ko‘makka zor bo‘lib tursa,  
Mehr emas, ko‘rsalar zulm.  
Unday hokim muhabbat emas,  
O‘z-o‘ziga tilagay o‘lim.  
El adolat tilaydi har vaqt,  
Podshoh ersang, ko‘z yoshlarin art.  
Qay bir hokim elga zulm etsa,  
Qilmishi-chun jazolamoq shart!



*“Ҳокимлар, сипоҳ ва раъиятдан қайси бирининг халқقا жабрзулм етказганини эшиштсан, уларга нисбатан дарҳол адолату инсоф юзасидан чора кўрдим”.*

*“Агар доругалар ва ҳакамлар халқقا зулм қилиб, уларни ҳароб қилган бўлсалар, қилган ишиларига лойиқ жазо бердим”.*

\* \* \*

Доруғалар, ҳокимлар асли  
Адолатнинг пешвосидирлар.  
Раиятга паноҳ, биродар,  
Бир оила – ошносидирлар.  
Халқ қўмакка зор бўлиб турса,  
Мехр эмас, кўрсалар зулм.  
Ундай ҳоким мұхаббат эмас,  
Ўз-ўзига тилагай ўлим.  
Эл адолат тилайди ҳар вақт,  
Подшоҳ эрсанг, кўз ёшлиарин арт.  
Қай бир ҳоким элга зулм этса,  
Килмиший-чун жазоламоқ шарт!





**“Yaxshilarga – yaxshilik qildim, yomonlarni esa o‘z yomonliklariga topshirdim. Kim menga do‘slik qilgan bo‘lsa, do‘sligi qadrini unutmadi va unga muruvvat, ehson, izzat-u ikrom ko‘rsatdim”.**

**“Do‘s-dushmandan kimki menga iltijo qilib kelgudek bo‘lsa, do‘sliarga shunday muomala qildimki, do‘sligi yana-da ortdi, dushmanlarga esa shunday munosabatda bo‘ldimki, ularning dushmanligi do‘slikka aylandi”.**


\* \* \*

Mushkullar ko‘p erur bilsang hayotda,  
Qayiqqa suv to‘lib bir kun, baliqchi  
Daryoga g‘arq bo‘la boshlagan chog‘i,  
Madadga qo‘l cho‘zdi unga do‘s ovchi.

Hayotning ming turli sinovlari ko‘p,  
Ming turli xatarlar, hadik joningda.  
Eng mushkul chog‘da ham madadga shaydir,  
Sen uchun jonfido do‘sting yoningda.

Do‘s – madad, do‘s – tayanch, do‘s bu – quvonching,  
Do‘sliar bog‘ etajak ko‘ngil cho‘lini.  
Kim senga yo‘ldosh-u, sodiq unutma,  
Mahkam tut madadga cho‘zgan qo‘lini.

Do‘sliar bor, mehr va oqibat bordir,  
Yurtlar bor – butun el do‘s bo‘lib yashar.  
Sen shunday oqibat ko‘rsatgil toki,  
Seni o‘ziga do‘s deb bilsin bashar!



*“Яхишиларга – яхишилик қилдим, ёмонларни эса ўз ёмонликларига топширдим. Ким менга дўстлик қилган бўлса, дўстлиги қадрини унутмадим ва унга мурувват, эҳсон, иззату икром кўрсатдим”.*

*“Дўст-душмандан кимки менга илтижо қилиб келгудек бўлса, дўстларга муомала қилдимки, дўстлиги янада ортди, душманларга эса шундай муносабатда бўлдимки, уларнинг душманлиги дўстликка айланди”.*

\* \* \*

Мушкуллар кўп эрур билсанг ҳаётда,  
Қайиққа сув тўлиб бир кун, балиқчи  
Дарёга ғарқ бўла бошлаган чоғи,  
Мададга қўл чўзди унга дўст овчи.

Ҳаётнинг минг турли синовлари кўп,  
Минг турли хатарлар, ҳадик жонингда.  
Энг мушқул чоғда ҳам мададга шайдир,  
Сен учун жонфидо дўстинг ёнингда.

Дўст – мадад, дўст – таянч, дўст бу – қувончинг,  
Дўстлар боғ этажак қўнгил чўлини.  
Ким сенга йўлдошу, содик унутма,  
Махкам тут мададга чўзган қўлини.

Дўстлар бор, меҳр ва оқибат бордир,  
Юртлар бор – бутун эл дўст бўлиб яшар.  
Сен шундай оқибат кўрсатгил токи,  
Сени ўзига дўст деб билсин башар!





*“Farzandlar, qarindoshlar, oshna-og‘ayni, qo‘shnilar va men bilan  
bir vaqtlar do’stlik qilgan barcha odamlarni davlat-u ne’mat martabasiga  
erishganimda unutmadi, haqlarini ado etdim”.*


*“Menda biron kimsaning haqi bo‘lsa, haqini hech vaqt unutmadi.  
Biron kimsa bilan tanishgan bo‘lsam, uni hech vaqt nazarimdan  
goldirmadim”.*

\* \* \*

Marhamat ko‘rdingmi, shukrin qil ado,  
Yaxshilik qilganga yaxshilik qilg‘il.  
Insonni g‘urbatga tashlaydi xato,  
Ezgulik najotdir, burchingni bilg‘il.

Sahroda soyali daraxt ham madad  
Bahr olsang bir fursat joningni saqlab.  
Ollohga shukrona aytib beadad,  
Bir kosa suv quyib ket, burching oqlab.

Yaxshilik urug‘in sochmay dunyoga,  
Hech qachon tangridan marhamat kutma.  
Yaqinroq bo‘layin desang ziyoga,  
Senda kimning haqi bo‘lsa unutma!



*“Фарзандлар, қариндошлар, ошна-огайни, қўшиилар ва мен билан бир вақтлар дўстлик қилган барча одамларни давлату неъмат мартабасига эришганимда унутмадим, ҳақларини адо этдим”.*

*“Менда бирон кимсанинг ҳақи бўлса, ҳақини ҳеч вақт унутмадим. Бирон кимса билан танишган бўлсам, уни ҳеч вақт назаримдан қолдирмадим”.*

\* \* \*

Марҳамат кўрдингми, шукрин қил адо,  
Яхшилик қилганга яхшилик қилғил.  
Инсонни ғурбатга ташлайди хато,  
Эзгулик нажотдир, бурчингни билғил.

Саҳрода сояли дараҳт ҳам мадад  
Баҳр олсанг бир фурсат жонингни сақлаб.  
Оллоҳга шукrona айтиб беадад,  
Бир коса сув қўйиб кет, бурчинг оқлаб.

Яхшилик уруғин сочмай дунёга,  
Ҳеч қачон тангридан марҳамат кутма.  
Яқинроқ бўлайин десанг зиёга,  
Сенда кимнинг ҳақи бўлса унутма!






*“Qaysi bir sipohiy tuz haqi va vafodorlikni unutib, xizmat vaqtida o‘z sohibidan yuz o‘girib, mening oldimga kelgan bo‘lsa, unday odamni o‘zimga eng yomon dushman deb bildim”.*

\* \* \*

Sadoqat – mardlik-la o‘lchanar har vaqt  
Egasin unutgan sakda yo‘q vafo.  
Xiyonatchi erdan sodiqlik kutma,  
Undan topajaging bo‘lg‘usi jafo.

Qaysi bir sipohiy ahdini buzsa,  
Tuz haqin unutib, qilsa xiyonat.  
Yuz bursa sohibi, do‘sti yoridan  
U qalbdan izlama aslo diyonat.

Kim shunday orsizlik, qabihlik ila  
Qoshimga kelsa gar hushyorlik qildim.  
Tuzin oqlamagan beburd kaslarni  
O‘zimga eng yomon dushman deb bildim.



*“Қайси бир сипоҳий туз ҳақи ва вафодорликни унугтиб, хизмат вақтида ўз соҳибидан юз ўғириб, менинг олдимга келган бўлса, ундаи одамни ўзимга энг ёмон душман деб билдим”.*



\* \* \*

Садоқат – мардлик-ла ўлчанар ҳар вақт  
Эгасин унугтан сақда йўқ вафо.  
Хиёнатчи эрдан содиқлик кутма,  
Ундан топажагинг бўлғуси жафо.

Қайси бир сипоҳий аҳдини бузса,  
Туз ҳақин унугтиб, қилса хиёнат.  
Юз бурса соҳиби, дўсти ёридан  
У қалбдан излама асло диёнат.

Ким шундай орсизлик, қабиҳлик ила  
Қошимга келса гар ҳушёрлик қилдим.  
Тузин оқламаган бебурд касларни  
Ўзимга энг ёмон душман деб билдим.





*“Hech kimdan o‘ch olish payida bo‘lmadim. Tuzimni totib, menga yomonlik qilganlarni parvardigori olamga topshirdim. Sofdil kishilar, sayyidlar, olimlar va fozillarga dargohim doim ochiq edi. Nafsi yomon himmatsizlarni, ko‘ngli buzuq qo‘rqaqlarni majlisimdan quvib yubordim”.*

\* \* \*

Adovat – ko‘ngilni yemirguvchi zang,  
Qaro niyatlardan vujud pok bo‘lmas.  
G‘azab-la adovat qilmadim diltang  
Adolatli dilda Haq nuri so‘nmas.

Hech kimdan o‘ch olish yo‘lin tutmadim,  
Yaxshilik yo‘lida doim shoshildim.  
Tuz haqin unutgan riyokrlarni  
Yaratgan hukmiga topshirdim.

Ochib dargohimning eshiklarini  
Sofdil kishilarga chiqoldim peshvoz.  
Fozil-u sayyidlar, olimlar ila  
Donishlar bazmida bo‘loldim hamroz.

Nafis majlislarni nurdek yoritgan,  
Hikmatlar sehriga aslo to‘ymadim.  
Badnafs-u himmatsiz qaro dillarni  
Dargohim eshigin yopib, qo‘ymadim.

*“Ҳеч кимдан ўч олиши пайида бўлмадим. Тузимни тотиб, менга ёмонлик қилганларни парвардигори оламга топширдим. Софдил кишилар, саййидлар, олимлар ва фозилларга даргоҳим доим очиқ эди. Нафси ёмон ҳимматсизларни, кўнгли бузуқ қўрқоқларни мажлисимдан қувиб юбордим”.*

\* \* \*

Адоват – кўнгилни емиргувчи занг,  
Қаро ниятлардан вужуд пок бўлмас.  
Газаб-ла адоват қилмадим дилтанг  
Адолатли дилда Ҳақ нури сўнмас.

Ҳеч кимдан ўч олиш йўлин тутмадим,  
Яхшилик йўлида доим шошилдим.  
Туз ҳакин унутган риёкорларни  
Яратган хукмига топширдим.

Очиб даргоҳимнинг эшикларини  
Софдил кишиларга чиқолдим пешвоз.  
Фозилу саййидлар, олимлар ила  
Донишлар базмида бўлолдим ҳамроз.

Нафис мажлисларни нурдек ёритган,  
Ҳикматлар сехрига асло тўймадим.  
Баднафсу ҳимматсиз қаро дилларни  
Даргоҳим эшигин ёпиб, кўймадим.






*“Kimning aqli va shijoatini sinov tarozusida tortib ko‘rib, boshqalarnikidan ortiqroq ko‘rsam, uni tarbiya qilib, amirlilik darajasiga ko‘tarar edim. So‘ngra ko‘rsatgan xizmatiga yarasha martabasini yana-da oshirar edim”.*

\* \* \*

Eng ulug‘ ibrat, bilsang,  
Tangriga xos, unutma.  
Haqni etgil e’tirof,  
Shaytondan ko‘mak kutma.  
Qara, quyosh mehridan  
Nur yog‘ilar jahonga.  
Lolman egam mehridan  
Bu ham ibrat insonga.  
Tangrining dargohida  
Oftob topmish zo‘r hurmat.  
Shu sabab ko‘kda joyi,  
Bu ham bizga zo‘r ibrat.  
Kimki dildan xizmatda  
Haq yo‘lin et ixtiyor.  
Martabasin ko‘tarib  
Ayla uni baxtiyor.



*“Кимнинг ақли ва шижиоатини синов тарозусида тортиб кўриб, бошиқаларни кидан ортиқроқ кўрсам, уни тарбия қилиб, амирлик даражасига кўтариш эдим. Сўнгра кўрсатган хизматига яраша мартабасини янада оширап эдим”.*

\* \* \*

Энг улуг ибрат, билсанг,  
Тангрига хос, унутма.  
Ҳақни этгил эътироф,  
Шайтондан кўмак кутма.  
Қара, қуёш меҳридан  
Нур ёғилар жаҳонга.  
Лолман эгам меҳридан  
Бу ҳам ибрат инсонга.  
Тангрининг даргоҳида  
Офтоб топмиш зўр хурмат.  
Шу сабаб кўкда жойи,  
Бу ҳам бизга зўр ибрат.  
Кимки дилдан хизматда  
Ҳақ йўлин эт ихтиёр.  
Мартабасин кўтариб  
Айла уни бахтиёр.





*“Sarmoyasi qo‘lidan ketib qolgan savdogarga o‘z sarmoyasini qaytadan tiklab olishi uchun xazinadan yetarli miqdorda oltin berilsin. Dehqonlar va ra‘iyatdan qaysi birining dehqonchilik qilishga qurbi yetmay qolgan bo‘lsa, unga ekin-tikin uchun zarur urug‘ va asbob tayyorlab berilsin. Agar fuqarodan birining uy-imorati buzilib, tuzatishga qurbi yetmasa, kerakli uskunalarni yetkazib berib, unga yordam berilsin”.*

\* \* \*


Mardlar yiqilganni qo‘llar har qachon  
Cho‘kayotgan kimsa madadga muhtoj.  
Yaxshilig-u himmat yo‘lini tutdim,  
Yaxshilik – insonning boshidagi toj.

Sarmoyasi qo‘ldan ketgan savdogar  
Madadga zor bo‘lsa, ko‘makka keldim.  
Qaytadan qaddini tiklashi uchun  
Xazinam ochdim-u sarmoya berdim.

Dehqon urug‘likka zor bo‘lgan mahal,  
Tortiq qildim unga, bug‘doy va omoch.  
Sen ham ey davomchim rizolik so‘rsang  
Xazinang avvalo muhtojlarga och.

Magar bir fuqaro uyi buzilsa,  
Tiklashga yetmasa qurbi, imkonи.  
Unga madad bersin, uskuna bersin,  
Yaxshilik aylasin, anga xoqoni.

Shundan fayz-baraka yog‘dirar Olloh  
Kushoyish bergaydir ekin, tikinga.  
Gar himmat kamarin mahkam bog‘lasang,  
Haq o‘zi kuch qo‘shar, sening kuchingga.



*“Сармояси қўлидан кетиб қолган савдогарга ўз сармоясини қайтадан тиклаб олиши учун хазинадан етарли миқдорда олтин берилсин. Дехқонлар ва раъиятдан қайси бирининг дехқончилик қилишига қурби етмай қолган бўлса, унга экин-тикин учун зарур уруг ва асбоб тайёрлаб берилсин. Агар фуқародан бирининг уй-иморати бузилиб, тузатишга қурби етмаса, керакли ускуналарни етказиб бериб, унга ёрдам берилсин”.*

\* \* \*

Мардлар йиқилганни қўллар ҳар қачон  
Чўкаётган кимса мададга муҳтоҷ.  
Яхшилигу ҳиммат йўлини тутдим,  
Яхшилик – инсоннинг бошидаги тоҷ.

Сармояси қўлдан кетган савдогар  
Мададга зор бўлса, кўмакка келдим.  
Қайтадан қаддини тикилаши учун  
Хазинам очдиму сармоя бердим.

Дехқон уруғликка зор бўлган маҳал,  
Тортиқ қилдим унга, буғдой ва омоч.  
Сен ҳам эй давомчим ризолик сўрсанг  
Хазинанг аввало муҳтожларга оч.

Магар бир фуқаро уйи бузилса,  
Тикилашга етмаса қурби, имкони.  
Унга мадад берсин, ускуна берсин,  
Яхшилик айласин, анга хоқони.

Шундан файз-барака ёғдирад Оллоҳ  
Кушойиш бергайдир экин, тикинга.  
Гар ҳиммат камарин маҳкам боғласанг,  
Ҳақ ўзи куч қўшар, сенинг кучингга.





*“Podsho sultanat ishlarida har kimning so‘zini eshitsin, har kimdan fikr olsin. Qaysi biri foydaliroq bo‘lsa, uni ko‘ngil xazinasida saqlab vaqtida ishlatsin”.*


\* \* \*

Podshohlik, sultanat gullashi uchun  
Darkor erur unga ikki xazina.  
Birida tillo-yu zarlar saqlansa,  
Qalbdagi makonda hikmat – ganjina.

Sultanat ishida so‘zlarin tinglab,  
Oqillar da’vatin dil etsin zikr.  
Adolat hukmini yurgizmoq uchun  
Har qadam darkordur ham shukr, fikr.

Hikmat – bu mo‘minning yo‘qotgan ganji,  
Topgan chog‘ shoshilmay, dilda saqlasin.  
Ko‘ngil mehrobida asrabon uni,  
Har ishda hikmatning haqqin oqlasin.

Fozillar so‘zida jamdur haq ma’ni,  
Ezgu da’vatlar bor shoir baytida.  
Tafakkur xazinang ochib ishlatgil  
Bunday javohirni zarur paytida.



*“Подио салтанат ишларида ҳар кимнинг сўзини эшиитсин, ҳар кимдан фикр олсин. Қайси бири фойдалироқ бўлса, уни қўнгил хазинасида сақлаб вақтида ишлатсин”.*

\* \* \*

Подшоҳлик, салтанат гуллаши учун  
Даркор эрур унга икки хазина.  
Бирида тиллою зарлар сақланса,  
Қалбдаги маконда ҳикмат – ганжина.

Салтанат ишида сўзларин тинглаб,  
Оқиллар даъватин дил этсин зикр.  
Адолат ҳукмини юргизмоқ учун  
Ҳар қадам даркордур ҳам шуқр, фикр.

Ҳикмат – бу мўминнинг йўқотган ганжи,  
Топган чоғ шошилмай, дилда сақласин.  
Кўнгил меҳробида асрабон уни,  
Ҳар ишда ҳикматнинг ҳаққин оқласин.

Фозиллар сўзида жамдур ҳақ маъни,  
Эзгу даъватлар бор шоир байтида.  
Тафаккур хазинанг очиб ишлатгили  
Бундай жавоҳирни зарур пайтида.






*“Kimki birovning molini zo‘rlik bilan tortib olgan bo‘lsa, mazlumning molini zolimdan qaytarib olib, egasiga topshirsinlar”.*

\* \* \*

Har banda yelkasida  
Bordir insonlik yuki.  
Zaifga yetmasin hech  
Zo‘ravonlarning kuchi.  
Qahraton sovug‘idan  
Asrar olamni oftob.  
Shu mehrning o‘zi ham  
Sen-u menga zo‘r xitob.  
Kimki elga mas’uldir  
Chog‘in bilgay yukini.  
Talon-tarojdan saqlar  
Fuqaroning mulkini.



*“Кимки биروفнинг молини зўрлик билан тортиб олган бўлса,  
мазлумнинг молини золимдан қайтариб олиб, эгасига топширсинглар”.*

\* \* \*

Ҳар банда елкасида  
Бордир инсонлик юки.  
Заифга етмасин ҳеч  
Зўравонларнинг кучи.  
Қахратон совуғидан  
Асрар оламни офтоб.  
Шу меҳрнинг ўзи ҳам  
Сену менга зўр хитоб.  
Кимки элга масъулдир  
Чоғин билгай юкини.  
Талон-тарождан сақлар  
Фуқаронинг мулкини.





*“Hech bir sipohiyning xizmati nazardan chetda qolmasin, chunki ular davlat xizmatida bo‘lib, boqiy hayotlarini foniy dunyo naqdi uchun ayamaganliklarining o‘zigagina ham in’omga va moddiy ta’midotda bo‘lishga haqli va loyiqdirlar. Uni in’omidan mahrum qilib, xizmatlarini ko‘rsatmasalar, insofsizlik qilgan bo‘lurlar”.*


\* \* \*

Har ishga kirishdim, insof, adl ila  
Sadoqat bahosin yodda saqladim.  
Hatto har sipohiy xizmatini ham  
Taqdirlab, tojdorlik haqqin oqladim.

Sipohlar – tirkagi sultanatimning,  
Davlat, Haq yo‘lida fidolikka shay.  
E’zoz-u ikromga ko‘proq loyiqdir  
Ne uchun alarning haqqin yoqlamay?

Aziz hayotlarin tikmishdir ular  
Davlat xizmatida dunyo naqdiga.  
Sultanat barqaror, mamlakat tinchdir,  
Ular tirik qo‘rg‘on el-yurt baxtiga.

Shu bois loyiqdir tahsin-ehsonga,  
Ani in’omlardan mahrum etmangiz.  
Xizmatin munosib baholang har vaqt,  
Insof chizig‘idan aslo o‘tmangiz.



**“Ҳеч бир сипоҳийнинг хизмати назардан четда қолмасин, чунки улар давлат хизматида бўлиб, боқий ҳаётларини фоний дунё нақди учун аямаганликларининг ўзигагина ҳам инъомга ва моддий таъминотда бўлишига ҳақли ва лойиқдирлар. Уни инъомидан маҳрум қилиб, хизматларини кўрсатмасалар, инсофсизлик қилган бўлурлар”.**

\* \* \*


Ҳар ишга киришдим, инсоф, адл ила  
Садоқат баҳосин ёдда сақладим.  
Ҳатто ҳар сипоҳий хизматини ҳам  
Тақдирлаб, тождорлик ҳаққин оқладим.

Сипоҳлар – тиргаги салтанатимнинг,  
Давлат, Ҳақ йўлида фидоликка шай.  
Эъзозу икромга кўпроқ лойиқдир  
Не учун аларнинг ҳаққин ёқламай?

Азиз ҳаётларин тикишидир улар  
Давлат хизматида дунё нақдига.  
Салтанат барқарор, мамлакат тинчdir,  
Улар тирик кўрғон эл-юрт бахтига.

Шу боис лойиқдир таҳсин-эҳсонга,  
Ани инъомлардан маҳрум этмангиз.  
Хизматин муносиб баҳоланг ҳар вақт,  
Инсоф чизигидан асло ўтмангиз.






*“G‘anim tomonidan bizning qo‘limizga har qanday sipohiy asir bo‘lib tushsa, uni o‘ldirmasınlar. Unga ixtiyor berilsin. Agar navkarlikni qabul qilsa, navkar qilsinlar, yo‘q esa uni ozod etsinlar”.*

\* \* \*

G‘anim askari ham avvalo inson  
Qahrdan ko‘zlarining bo‘lmasin basir.  
Kimningdir dilbandi, kimning otasi  
Qarshingda bosh eggan, sipohiy – asir.

Shoshma, o‘ldirmoqqa, ixtiyor bergil,  
Ko‘ngil amri ila tanlasin yo‘lin.  
Axir u podshohin tuzin oqlagan,  
Bekor ko‘tarmagan tig‘ tutgan qo‘lin.

Tanlash ixtiyori o‘zida aning,  
Inson deb bilgil-u, sen qadriga yet.  
Xoh u navkarlikni etsin ixtiyor,  
Ixtiyor qilmasa – ani ozod et.



*“Ганим томонидан бизнинг қўлмизга ҳар қандай сипоҳий асир бўлиб тушса, уни ўлдирмасинлар. Унга ихтиёр берилсин. Агар навкарликни қабул қиласа, навкар қилсинлар, йўқ эса уни озод этсинлар”.*

\* \* \*

Ганим аскари ҳам аввало инсон  
Қаҳрдан қўзларинг бўлмасин басир.  
Кимнингдир дилбанди, кимнинг отаси  
Қаршингда бош эгган, сипоҳий – асир.

Шошма, ўлдирмоққа, ихтиёр бергил,  
Кўнгил амри ила танласин йўлин.  
Ахир у подшоҳин тузин оқлаган,  
Бекор кўтартмаган тиф тутган қўлин.

Танлаш ихтиёри ўзида анинг,  
Инсон деб билгилу, сен қадрига ет.  
Хоҳ у навкарликни этсин ихтиёр,  
Ихтиёр қилмаса – ани озод эт.





*“Sodiq va vafodor do‘st ulkim, o‘z do‘stidan ranjimaydi, do‘stining dushmanini o‘z dushmani deb biladi. Agar kerak bo‘lsa, do‘sti uchun jonini ham ayamaydi. Aqlii dushman johil-u nodon do‘stdan yaxshiroq”.*


\* \* \*

Bu ko‘hna dunyoning ishlari qiziq,  
Bir yonda sodiq do‘st, bir yonda g‘anim.  
Do‘stlarga tayanib, yovlarim yengum  
Toki toptalmasin, qutlug‘ Vatanim.

Sodiq do‘st ranjimas, aslo do‘stidan  
Uning asragani ishonch-u sha’ndir.  
Do‘stiga doimo vafodir yo‘ldosh,  
Do‘stining dushmani unga dushmandir.

Har ishda Haq o‘zi senga bo‘lsin yor,  
Do‘stlar sadoqatin asra joningda.  
Sen uchun jonini bermoqqa tayyor  
Shunday do‘stlar bo‘lsin, doim yoningda.

Yana bir hikmatni unutma aslo,  
Sholi ichida ham kurmak bor biroq.  
Mardlik jang bobida aqlii dushman  
Nodon, johil do‘stdan gohi yaxshiroq.



*“Содиқ ва вафодор дўст улким, ўз дўстидан ранжимайди,  
дўстининг душманини ўз душмани деб билади. Агар керак бўлса, дўсти  
учун жонини ҳам аямайди. Ақлли душман жоҳилу нодон дўстдан  
яхшироқ”.*

\* \* \*


Бу кўхна дунёнинг ишлари қизиқ,  
Бир ёнда содиқ дўст, бир ёнда ғаним.  
Дўстларга таяниб, ёвларим енгум  
Токи топталмасин, кутлуг Ватаним.

Содиқ дўст ранжимас, асло дўстидан  
Унинг асрагани ишончу шаънdir.  
Дўстига доимо вафодир йўлдош,  
Дўстининг душмани унга душмандир.

Ҳар ишда Ҳақ ўзи сенга бўлсин ёр,  
Дўстлар садоқатин асра жонингда.  
Сен учун жонини бермоққа тайёр  
Шундай дўстлар бўлсин, доим ёнингда.

Яна бир ҳикматни унутма асло,  
Шоли ичида ҳам курмак бор бироқ.  
Мардлик жанг бобида ақлли душман  
Нодон, жоҳил дўстдан гоҳи яхшироқ.






*“Dushman sendan muruvvat va xayr-ehson ko‘rsa-yu yana qaytadan  
dushmanlik yo‘lini tutsa, uni Parvardigorning hukmiga topshir”.*

\* \* \*

Tangri ham gunohni kechirgay albat,  
Magar tavba qilsang dildan o‘kinib.  
Gunoh-la dunyoda yashamoq og‘ir,  
Yaratgandan aslo bo‘lmas berkinib.

Dushmanga ham goho etsang muruvvat,  
Marhamat ko‘rsatsang, berib xayr-ehson.  
Shunda ham g‘animlik yo‘lini tutsa,  
Bilgilki, u chindan nodondir, nodon.

Jazolash qochmaydi, shoshma, sabr et,  
G‘azabing ichga yut, qahringni yashir.  
O‘zi chiqargaydir bunda ajrimni,  
Ani Yaratganning hukmiga topshir.



“Душман сендан мурувват ва хайр-эҳсон қўрсаю яна қайтадан душманлик йўлини тутса, уни Парвардигорнинг ҳукмига топширилар”.

\* \* \*

Тангри ҳам гуноҳни кечиргай албат,  
Магар тавба қилсанг дилдан ўкиниб.  
Гуноҳ-ла дунёда яшамоқ оғир,  
Яратгандан асло бўлмас беркиниб.

Душманга ҳам гоҳо этсанг мурувват,  
Марҳамат қўрсатсанг, бериб хайр-эҳсон.  
Шунда ҳам ғанимлик йўлини тутса,  
Билгилки, у чиндан нодондир, нодон.

Жазолаш қочмайди, шошма, сабр эт,  
Ғазабинг ичга ют, қаҳрингни яшириш.  
Ўзи чиқаргайдир бунда ажримни,  
Ани Яратганинг ҳукмига топшириш.






*“Bugungi ishni ertaga qoldirma”.*

\* \* \*

Bahorgi ishlarni yozda qilmaslar,  
Yozning yumushlarin bajarmas kuzda.  
Amal-u ishing-la doim tasdiq et  
Neni izhor etsang, lisonda – so‘zda.

Har ishning o‘z vaqtin, muddati bordir,  
Haq ishin ko‘r – unda tartib-intizom.  
Har ishda muhlat-u vaqtini unutma,  
Olamning rivojin asosi – nizom.

O‘n besh kun oy to‘lar, o‘zgarmas muhlat,  
Yulduzlar nur to‘shar, siyoh kechaga.  
Yaratgan amriga mone bo‘lmasa,  
Bugungi ishingni qo‘yma ertaga.



**“Бугунги ишини эртага қолдирма”.**


\* \* \*

Баҳорги ишларни ёзда қилмаслар,  
Ёзнинг юмушларин бажармас кузда.  
Амалу ишинг-ла доим тасдиқ эт  
Нени изҳор этсанг, лисонда – сўзда.

Ҳар ишнинг ўз вақти, муддати бордир,  
Ҳақ ишин кўр – унда тартиб-интизом.  
Ҳар ишда муҳлату вақтни унутма,  
Оlamнинг ривожин асоси – низом.

Ўн беш кун ой тўлар, ўзгармас муҳлат,  
Юлдузлар нур тўшар, сиёҳ кечага.  
Яратган амрига моне бўлмаса,  
Бугунги ишингни қўйма эртага.





*“Yumshoqlik qilishga to‘g‘ri kelsa, muloyimlik qildim, qattiqqo‘llik ishlatish vaqtı yetsa, qat’iy choralar ko‘rdim. Shoshmaslik kerak yerda shoshilmadim, shoshilarli ishlarni kechiktirmadim. Qaysi ishni chora-yu tadbir bilan bitirishning iloji bo‘lsa, unda qilich ishlatmadim”.*

\* \* \*

Inson fe'lida jam, mehr va qahr  
Besabab sochilmas ikkisi ko‘rsang.  
Adolat yo'lida o‘rningni bilgil,  
Qahrga erk berma, gar odil bo‘lsang.

Goh yumshoq fe'l ila tutdim o‘zimni,  
Zarur chog‘ men qat’iy, sustkash bo‘lmadim.  
Qattiqqo‘l ersam-da shoshmadim aslo,  
Shoshilinch chog‘larda chora qo‘lladim.

Har ishning o‘z payti, fursati bordir,  
Vaqtida yorishar kechikmay tong ham.  
G‘aflatni quvadi, etadi ogoh  
Vaqtida chalinsa, hattoki bong ham.

Chora-yu tadbirda hikmat ko‘p azal,  
Har chog‘ bu imkonni hech unutmadi.  
Qancha yumushlarim bitdi tadbir-la  
Chora ish berganda, qilich tutmadim.

*“Юмшоқлик қилишига тўғри келса, мулойимлик қилдим,  
қаттиққўллик ишлатиши вақти етса, қатъий чоралар кўрдим.  
Шошмаслик керак ерда шошилмадим, шошиларли ишларни  
кечиктирмадим. Қайси ишини чораю тадбир билан битиришининг  
иложи бўлса, унда қилич ишлатмадим”.*

\* \* \*

Инсон феълида жам, меҳр ва қаҳр  
Бесабаб сочилмас иккиси кўрсанг.  
Адолат йўлида ўрнингни билгил,  
Қаҳрга эрк берма, гар одил бўлсанг.

Гоҳ юмшоқ феъл ила тутдим ўзимни,  
Зарур чоғ мен қатъий, сусткаш бўлмадим.  
Қаттиққўл эрсам-да шошмадим асло,  
Шошилинч ҷоғларда чора қўлладим.

Ҳар ишнинг ўз пайти, фурсати бордир,  
Вақтида ёришар кечикмай тонг ҳам.  
Ғафлатни қувади, этади огоҳ  
Вақтида чалинса, ҳаттоки бонг ҳам.

Чораю тадбирда ҳикмат кўп азал,  
Ҳар чоғ бу имконни ҳеч унутмадим.  
Қанча юмушларим битди тадбир-ла  
Чора иш берганда, қилич тутмадим.





*“Qaysi mamlakatni zabit etgan yoki qo’shib olgan bo’lsam, o’sha yerning obro‘-e’tiborli kishilarini aziz tutdim; sayyidlari, ulamolari, fuzalo va mashoyixiga ta’zim bajo keltirdim va hurmatladim, ularga suyurg‘ol, vazifalar berib, maoshlarini belgiladim; o’sha viloyatning ulug‘larini og‘ainilarimdek, yoshlari va bolalarini bo‘lsa, o‘z farzandlarimdek ko‘rdim”.*

\* \* \*

Quyosh bu olamda barchaga tengdir,  
Teng erur charog‘on oyning yog‘dusi.  
Bilginki, eng go‘zal totdir, ne’matdir –  
Dunyoda beg‘ubor bola kulgusi.


Jahonning gavhari erur donishlar,  
Dunyoda tafakkur tengsiz xazina.  
Har so‘zi qalbingga nur to‘shar yog‘du,  
Hikmatlar – Haq sari eltguvchi zina.

Asli og‘a-ini erur odamzod,  
Asli bir oila bu jumla bashar.  
Faqt u gohida adovat birla  
Adlni unutib, qasd ila yashar.

Adolat otini solsam, qay tomon,  
Qay yurtni zabit etsam, o‘zdan ketmadim.  
Mehrimni qahrimdan ustunroq bilib,  
Jaholat yo‘lini aslo tutmadim.

Aziz bildim aning sayyidlarini,  
Menkim Haq yo‘lida navkar – mulozim.  
Alarga vazifa maosh tayin etib,  
Fozillar qoshida ayladim ta’zim.

Ulug‘larin tutdim og‘am-inimdek,  
Bolalar, yoshlari boshin siladim.  
Qay sori yuzlanmay har bir ishimda,  
Yolg‘iz Tangri rizoligin tiladim.



**“Қайси мамлакатни забт этган ёки қўшиб олган бўлсан, ўша ернинг обрў-эътиборли кишиларини азиз тутдим; саййидлари, уламолари, фузало ва машойихига таъзим бажо келтирдим ва ҳурматладим, уларга суюргол, вазифалар бериб, маошларини белгиладим; ўша вилоятнинг улугларини ога-иниларимдек, ёшлари ва болаларини бўлса, ўз фарзандларимдек кўрдим”.**

\* \* \*

Куёш бу оламда барчага тенгdir,  
Тенг эрур чароғон ойнинг ёғдуси.  
Билгинки, энг гўзал тотдир, неъматдир –  
Дунёда беғубор бола кулгуси.

Жаҳоннинг гавҳари эрур донишлар,  
Дунёда тафаккур тенгсиз хазина.  
Ҳар сўзи қалбингга нур тўшар ёғду,  
Ҳикматлар – Ҳақ сари элтгувчи зина.

Асли оға-ини эрур одамзод,  
Асли бир оила бу жумла башар.  
Фақат у гоҳида адоват бирла  
Адлни унутиб, қасд ила яшар.

Адолат отини солсам, қай томон,  
Қай юртни забт этсам, ўздан кетмадим.  
Мехримни қаҳримдан устунроқ билиб,  
Жаҳолат йўлини асло тутмадим.

Азиз билдим анинг саййидларини,  
Менким Ҳақ йўлида навкар – мулоғим.  
Аларга вазифа маош тайин этиб,  
Фозиллар қошида айладим таъзим.

Улуғларин тутдим оғам-инимдек,  
Болалар, ёшларин бошин силадим.  
Қай сори юзланмай ҳар бир ишимда,  
Ёлғиз Тангри ризолигин тиладим.





***“Kuch – adolatdadir”.***


***“Har mamlakatda adolat eshigini ochdim, zulm-u sitam yo‘lini to‘sdim”***

\* \* \*

Yovuzga kim madad bersa, u tayin –  
Sherikdur qotilning jinoyatiga.  
Qay dilki adolat yo‘lini tutar –  
Loyiqdur Tangrining hidoyatiga.

Adolat mezonin mahkam tut doim,  
Yomonga bosmasin hech vaqt tarozi.  
Aybdorga jazo-yu, oqilga karam  
Aylasang, hukmingdan tangri ham rozi.

Hushyor bo‘l, gunohkor bir chetda qolib,  
Hukmingdan begunoh azob chekmasin.  
Farmon-u buyrug‘ing puxta qil har vaqt,  
Adolat shamiga ziyon yetmasin.



*“Куч – адолатдадир”.*

*“Ҳар мамлакатда адолат эшигини очдим, зулму ситам йўлини тўсдим”.*

\* \* \*

Ёвузга ким мадад берса, у тайин –  
Шерикдур қотилнинг жиноятига.  
Қай дилки адолат йўлини тутар –  
Лойикдур Тангрининг ҳидоятига.

Адолат мезонин маҳкам тут доим,  
Ёмонга босмасин ҳеч вақт тарози.  
Айбдорга жазо-ю, оқилга карам  
Айласанг, ҳукмингдан тангри ҳам рози.

Хушёр бўл, гуноҳкор бир четда қолиб,  
Ҳукмингдан бегуноҳ азоб чекмасин.  
Фармону буйруғинг пухта қил ҳар вақт,  
Адолат шамига зиён етмасин.





*“Sipohiylardan biron kishi ra’iyatning xonadoniga zo’rlik bilan kelib tushmasin, ra’iyatning ot-ulovlarini tortib olmasin”.*


\* \* \*

Toj-taxtga kim mas’ul, elga ham mas’ul,  
Hech imkon bermasin, zulm-zo’rlikka.  
Saltanat hududi – yerga ham mas’ul,  
Aslo yo‘l qo‘ymasin, aslo xo‘rlikka.

Sipohin tartib-la tutsin izmida,  
Adolat har ishda eng zo‘r tarozi.  
Unday yurtda aslo tartib buzilmas,  
Ra’iyat ishingdan bo‘lsa gar rozi.

Toki sipohlardan birorta bebosh  
Ra’iyat boshiga g‘avg‘o solmasin.  
Zo’rlik-la ot-ulov, ro‘zg‘or bisotin  
Ko‘zini yoshlatib, tortib olmasin.

Zulm-la hech qachon yuksalmas davlat,  
Adolat hukmini qo‘llar Xudoyim.  
Toj-u taxt jilovin tutgan har podshoh,  
Mazlum ko‘z yoshidan saqlansin doim.



*“Сипоҳийлардан бирон киши раъиятнинг хонадонига зўрлик билан келиб тушмасин, раъиятнинг от-уловларини тортиб олмасин”.*

\* \* \*


Тож-тахтга ким масъул, элга ҳам масъул,  
Ҳеч имкон бермасин, зулм-зўрликка.  
Салтанат ҳудуди – ерга ҳам масъул,  
Асло йўл қўймасин, асло хўрликка.

Сипоҳин тартиб-ла тутсин измида,  
Адолат ҳар ишда энг зўр тарози.  
Ундей юртда асло тартиб бузилмас,  
Раъият ишингдан бўлса гар рози.

Токи сипоҳлардан бирорта бебош  
Раъият бошига ғавғо солмасин.  
Зўрлик-ла от-улов, рўзгор бисотин  
Кўзини ёшлишиб, тортиб олмасин.

Зулм-ла ҳеч қачон юксалмас давлат,  
Адолат ҳукмини қўллар Худойим.  
Тожу тахт жиловин тутган ҳар подшоҳ,  
Мазлум кўз ёшидан сақлансан дойим.





*“Buyurdimki, har mamlakatning gadolariga vazifa yuklab ish bersinlar,  
toki shu yo‘l bilan gadolik rasmi yo‘qotilsin”.*

\* \* \*

Yaratgan har kimga jism-u jon bermish,  
Ilm-u irfon ila, zo‘r imkon bermish.  
Adolat shamini olamga yoqib,  
Basharga hikmat-u bir Qur’on bermish.

Yana u insonga bermish tafakkur  
Olamni yoritar, oqil dahosi.  
Mehnat-la cho‘llarda bo‘ston yaralar  
Insoniy fikratning yo‘qdir bahosi.

Har qadam yaratmis ibrat olamin  
Tirik jon hayotin asosi mehnat.  
Hatto chumolilar tinmas erta-kech  
Bol yig‘ar arilar, cheksa-da zahmat.

Jon borki olamda tinmas, g‘imirlar  
Harakat, mehnatdan topar rizqini.  
Eng zo‘r me’mor uchun ibratdir asli  
Vassaga qurilgan qaldirg‘och ini.

To‘rt muchang sog‘ bo‘lsa, isnoddir senga  
Uyatdir, birovdan xayr-ehson kutmoq.  
Tanballik yarashmas inson zotiga  
Xayr istab ko‘chada har sori chopmoq.

Shundan buyurdimki, yumush berilsin  
Yurt kezib yurgan u gadolarga ham.  
Toki, mehnat bilan o‘z nonin topsin,  
Yaqinlari ila ko‘rolsin baham.

Hunarli qiloldim, qancha yo‘qsilni  
Goho faxr tuydim bundan dilimda.  
El-ulus yurtimda yashadi ma’mur  
Gadolar ko‘rmadi olam elimda.



*“Буюрдимки, ҳар мамлакатнинг гадоларига вазифа юклаб иш берсинлар, токи шу йўл билан гадолик расми йўқотилсан”.*

\* \* \*

Яратган ҳар кимга жисму жон бермиш,  
Илму ирфон ила, зўр имкон бермиш.  
Адолат шамини оламга ёкиб,  
Башарга ҳикмату бир Қуръон бермиш.

Яна у инсонга бермиш тафаккур  
Оlamни ёритар, оқил даҳоси.  
Мехнат-ла чўлларда бўстон яралар  
Инсоний фикратнинг йўқдир баҳоси.

Ҳар қадам яратмиш ибрат оламин  
Тирик жон ҳаётин асоси меҳнат.  
Ҳатто чумолилар тинмас эрта-кеч  
Бол йигар арилар, чекса-да заҳмат.

Жон борки оламда тинмас, ғимиirlар  
Ҳаракат, меҳнатдан топар ризқини.  
Энг зўр меъмор учун ибратдир асли  
Вассага қурилган қалдирғоч ини.

Тўрт мучанг соғ бўлса, исноддир сенга  
Уятдир, бирордан хайр-эхсон кутмоқ.  
Танбаллик ярашмас инсон зотига  
Хайр истаб кўчада ҳар сори чопмоқ.

Шундан буюрдимки, юмуш берилсан  
Юрт кезиб юрган у гадоларга ҳам.  
Токи, меҳнат билан ўз нонин топсин,  
Яқинлари ила кўролсан бахам.

Хунарли қилолдим, қанча йўқсилни  
Гоҳо фаҳр туйдим бундан дилимда.  
Эл-улус юртимда яшади маъмур  
Гадолар кўрмади олам элимда.





*“Kimki biron sahroni obod qilsa, yoki koriz qursa yo biron bog’ ko’kartirsa, yoxud biron xarob bo’lib yotgan yerni obod qilsa, birinchi yili undan hech narsa olmasinlar, uchinchi yili esa oliq-soliq qonun-qoidaga muvofiq xiroj yig‘ilsin”.*


\* \* \*

Davlat ishlarida qaror bermoqqa  
Ma’nisin anglamay, aslo shoshmadim.  
U bojmi, soliqmi va yoki xiroj  
Ulusni o’yladim, haddan oshmadim.

Kimki bog’ qilsa gar, biror sahroni,  
Tashlandiq joylarni etsa gar obod.  
Va yoki zahmat-la qursa gar koriz  
Adolat hukmida qildim uni shod.

Uch yilgacha anga soliq solmadim,  
Har birin holidan bo’ldim men ogoh.  
Shundanmi, el-ulus doimo rozi,  
Shu bois ataldimadolatpanoh.

Qonun-qoidaga tayandim har vaqt,  
Har ishda insof-la chiqardim qaror.  
Ulus duosidan yuksalib toj-taxt  
Shundan mamlakatim bo’ldi barqaror.



*“Кимки бирон сахрони обод қилса, ёки кориз курса ё бирон бөг күкартирса, ёхуд бирон хароб бўлиб ётган ерни обод қилса, биринчи йили ундан ҳеч нарса олмасинлар, учинчи йили эса олиқ-солиқ қонун-қоидага мувофиқ хирож ўигилсин”.*

\* \* \*

Давлат ишларида қарор бермоққа  
Маънисин англамай, асло шошмадим.  
У божми, солиқми ва ёки хирож  
Улусни ўйладим, ҳаддан ошмадим.

Кимки бөг қилса гар, бирор сахрони,  
Ташландик жойларни этса гар обод.  
Ва ёки заҳмат-ла курса гар кориз  
Адолат ҳукмida қилдим уни шод.

Уч йилгача анга солиқ солмадим,  
Хар бирин ҳолидан бўлдим мен огоҳ.  
Шунданми, эл-улус доимо рози,  
Шу боис аталдим адолатпаноҳ.

Қонун-қоидага таяндим ҳар вакт,  
Хар ишда инсоф-ла чиқардим қарор.  
Улус дуосидан юксалиб тож-тахт  
Шундан мамлакатим бўлди барқарор.






***“Bir kunlikadolat – yuz kunlik toat-ibodatdan afzal”.***

\* \* \*

Rizolik tilaydi har jumla, mo‘min  
Rizolikdan yashnar, uning siyrati.  
Bir kunda besh mahal qilur ibodat,  
Tangri rizoligin, topmoq niyati.

Ajabadolatda shuncha ko‘p hikmat,  
Adl-u insof bilan olam ham kengdir.  
Unutma, bir kunlikadolat, insof  
Yuz kunlikibodat qilganga tengdir.

Obodlik asosi – adl-u ehsonda  
Magar Haq yo‘ldasan, el-ulus shoddir.  
Bulbul ham sayragay bog‘-u bo‘stonda,  
Bu jahon gulshani shundan oboddir.



*“Бир кунлик адолат – юз кунлик тоат-ибодатдан афзал”.*

\* \* \*

Ризолик тилайди ҳар жумла, мўмин  
Ризоликдан яшнар, унинг сийрати.  
Бир кунда беш маҳал қилур ибодат,  
Тангри ризолигин, топмоқ нияти.

Ажаб адолатда шунча кўп ҳикмат,  
Адлу инсоф билан олам ҳам кенгдир.  
Унутма, бир кунлик адолат, инсоф  
Юз кунлик ибодат қилганга тенгдир.

Ободлик асоси – адлу эҳсонда  
Магар Ҳақ йўлдасан, эл-улус шоддир.  
Булбул ҳам сайрагай боғу бўстонда,  
Бу жаҳон гулшани шундан ободдир.





**“Davlat – lashkarlar-u fuqarolarning sadoqati va fidoyiligi-la qudratlidir”.**


\* \* \*

Farovon yashaysan uyingda doim,  
Kun-u tun osuda, diling charog‘on.  
Go‘yoki bog‘ ichra ko‘rkam niholsan,  
Seni yomon ko‘zdan asraydi bog‘bon.

Ajab bu dunyodir, mehr-u qahrda,  
Insonday jumboqli topilmas hech jon.  
Olam yaralgandan buyon bir lahza,  
Qirg‘inlar to‘xtamas, guvoh yer-osmon.

Adovat, zulm bor dunyoda shaksiz,  
Sababki, shayton bor qiyomat qadar.  
El-ulus hidoyat yo‘lidan yursa,  
Dunyoda totuvlik bo‘lardi agar.

Bas, qirg‘in bor ekan, himoya bordir,  
Balodan asraydi qo‘rg‘on-qal’alar.  
Va lekin, undan-da muhimi lashkar,  
Uning qudrati-la davlat yuksalar!



*“Давлат – лашкарлару фуқароларнинг садоқати ва фидойилиги-ла қудратлидир”.*

\* \* \*

Фаровон яшайсан уйингда доим,  
Куну тун осуда, дилинг чароғон.  
Гўёки боғ ичра кўркам ниҳолсан,  
Сени ёмон кўздан асрайди боғбон.

Ажаб бу дунёдир, меҳру қаҳрда,  
Инсондай жумбоқли топилмас ҳеч жон.  
Оlam яралгандан буён бир лаҳза,  
Қирғинлар тўхтамас, гувоҳ ер-осмон.

Адоват, зулм бор дунёда шаксиз,  
Сабабки, шайтон бор қиёмат қадар.  
Эл-улус ҳидоят йўлидан юрса,  
Дунёда тотувлик бўларди агар.

Бас, қирғин бор экан, ҳимоя бордир,  
Балодан асрайди қўргон-қалъалар.  
Ва лекин, ундан-да муҳими лашкар,  
Унинг қудрати-ла давлат юксалар!





*“Avval yo‘ldosh – keyin yo‘l”.*

\* \* \*

Har ishda dildosh topgil,  
Har ishda sirdosh topgil,  
Sodiq safardosh topgil,  
Avval yo‘ldosh – keyin yo‘l.

Suyanching tog‘ing bo‘lsin,  
Ko‘zing-qarog‘ing bo‘lsin,  
Panoh – yarog‘ing bo‘lsin,  
Avval yo‘ldosh – keyin yo‘l.


Sinamay siring ochma,  
Sinamay diling ochma,  
Sinamay yo‘ling ochma,  
Avval yo‘ldosh – keyin yo‘l.

Sen deb jangga kirarmi,  
Sen deb o‘tga kirarmi,  
Yaxshililing bilarmi,  
Avval yo‘ldosh – keyin yo‘l.

Uzoq yo‘ldir bu hayot  
Har qadam – mingta sayyod.  
Do‘s<sup>t</sup> bo‘larmi umrbod,  
Avval yo‘ldosh – keyin yo‘l.

Xono‘g‘londay ot topgil,  
Ne izlasang shod topgil,  
Chin do‘s<sup>t</sup>-u qanot topgil,  
Avval yo‘ldosh – keyin yo‘l.

Doim qilg‘il iltijo  
Do‘s<sup>t</sup> bo‘lsin senga fido,  
Yor bo‘lsin o‘zi Xudo,  
Avval yo‘ldosh – keyin yo‘l.



**“Аввал йўлдош – кейин йўл”.**

\* \* \*

Ҳар ишда дилдош топгил,  
Ҳар ишда сирдош топгил,  
Содиқ сафардош топгил,  
Аввал йўлдош – кейин йўл.

Суянчинг тоғинг бўлсин,  
Кўзинг-қароғинг бўлсин,  
Паноҳ – яроғинг бўлсин,  
Аввал йўлдош – кейин йўл.

Синамай сиринг очма,  
Синамай дилинг очма,  
Синамай йўлинг очма,  
Аввал йўлдош – кейин йўл.

Сен деб жангга киарми,  
Сен деб ўтга киарми,  
Яхшилигинг биларми,  
Аввал йўлдош – кейин йўл.

Узоқ йўлдир бу ҳаёт  
Ҳар қадам – мингта сайёд.  
Дўст бўларми умрбод,  
Аввал йўлдош – кейин йўл.

Хонўглондай от топгил,  
Не изласанг шод топгил,  
Чин дўсту қанот топгил,  
Аввал йўлдош – кейин йўл.

Доим қилғил илтижо  
Дўст бўлсин сенга фидо,  
Ёр бўлсин ўзи Худо,  
Аввал йўлдош – кейин йўл.





*“Bilagi zo‘r birni yiqar, bilimi zo‘r – mingni”.*


\* \* \*

Har ishda qudrating etma namoyish,  
Har doim ish bermas quvvat-u qurol.  
Ishinga Haq o‘zi berar kushoyish,  
Ulug‘lar so‘zlarin olmagil malol.

Beshikdan to qabr poyiga qadar  
Ilm izlang demish-ku sarvari olam.  
Gohida qilichdan qudratli, bilsang  
Donish qo‘lidagi shu mo‘jaz qalam.

Olamning ziynati, bilimdan bilsang  
Zakovatda jam qancha sir-u sinoat.  
Johil kurashida yo‘qdir hech ma’ni  
Bilim ham aslida erur ibodat.

Shuni unutmaki, bilagi zo‘r er  
Yiqolsa, bir o‘zi bir yovni yiqar.  
Bilimi zo‘r bo‘lsa-chi bir o‘zi yakkash  
Minglarni ustidan muzaffar chiqar.





**“Билаги зўр бирни йиқар, билими зўр – мингни”.**

\* \* \*

Ҳар ишда қудратинг этма намойиш,  
Ҳар доим иш бермас қуввату қурол.  
Ишинга Ҳақ ўзи берар кушойиш,  
Улуғлар сўзларин олмагил малол.

Бешикдан то қабр пойига қадар  
Илм изланг демишиш-ку сарвари олам.  
Гоҳида қиличдан қудратли, билсанг  
Дониш қўлидаги шу мўъжаз қалам.

Оlamning зийнати, билимдан билсанг  
Заковатда жам қанча сиру синоат.  
Жоҳил курашида йўқдир ҳеч маъни  
Билим ҳам аслида эрур ибодат.


Шуни унутмаки, билаги зўр эр  
Йиколса, бир ўзи бир ёвни йиқар.  
Билими зўр бўлса-чи бир ўзи яккаш  
Мингларни устидан музaffer чиқар.



***“Bir kalima shirin so‘z qilichni qinga kiritar”.***

\* \* \*

Yurak – ezgulik guli,  
Lison – malham, qudratdur.  
Qutlug‘ so‘z ta’siriga,  
Buyuk “Qur’on” ibratdur.  
Bir oyatning ta’siri  
Mo‘min qilmish johilni.  
Botinga tushgan ziyo,  
Yoritajak zohirni.  
Bir kalom shirin so‘zdan  
Kirgay ilon iniga.  
Inson-chi, solgay shaksiz  
Qilichini qiniga.



*“Бир калима ширин сўз қилични қинга киритар”.*

\* \* \*

Юрак – эзгулик гули,  
Лисон – малҳам, қудратдур.  
Қутлуғ сўз таъсирига,  
Буюк “Куръон” ибратдур.  
Бир оятнинг таъсири  
Мўмин қилмиш жоҳилни.  
Ботинга тушган зиё,  
Ёритажак зоҳирни.  
Бир калом ширин сўздан  
Киргай илон инига.  
Инсон-чи, солгай шаксиз  
Қиличини қинига.






*“Bir tayoqni sindirmoq mumkin,  
Ko‘p tayoqni bukib ham bo‘lmas”.*

\* \* \*

Maslakda, maqsadda do‘st-yoring bo‘lsin,  
Unutma yolg‘iz ot, changi sezilmas.  
Daryoga bir tomchi qoning tushsa gar  
Sin solib qaralsa, rangi sezilmas.

Birlashgan maqsadga yetmog‘i tayin,  
Birlashgan o‘zar, deb bejiz aytmas el.  
Birlashsa, ari ham ayiqni yiqrar,  
Tomchidan to‘planar, pishqirgan u sel.

Yodda tut, hikmatim, unutma zinhor  
Faqt g‘ofilgina bir holni ko‘rmas.  
Bir tayoqni egib sindirmoq mumkin,  
Ko‘p tayoqni esa, bukib ham bo‘lmas.



*“Бир таёқни синдиримоқ мумкин,  
Кўп таёқни букиб ҳам бўлмас”.*


\* \* \*

Маслакда, мақсадда дўст-ёринг бўлсин,  
Унутма ёлғиз от, чанги сезилмас.  
Дарёга бир томчи қонинг тушса гар  
Син солиб қаралса, ранги сезилмас.

Бирлашган мақсадга етмоғи тайин,  
Бирлашган ўзар, деб бежиз айтмас эл.  
Бирлашса, ари ҳам айиқни йиқар,  
Томчидан тўпланар, пишқирган у сел.

Ёдда тут, ҳикматим, унутма зинҳор  
Фақат ғофилгина бир ҳолни кўрмас.  
Бир таёқни эгиб синдиримоқ мумкин,  
Кўп таёқни эса, букиб ҳам бўлмас.






***“Botir jangda bilinar,  
Dono – mashvaratda”.***

\* \* \*

Har kimning hayotda o‘z o‘rni bordir,  
Bahosin bermoqqa shoshmagil zinhor.  
Kosibdan o‘qchining ishini so‘rma,  
Zargardan duradgor chiqmog‘i bekor.

Oshpazdan yer ilmin so‘ramoq dushvor,  
Sen aning sirini dehqondan so‘ra.  
Chorvaning neligin bilguvchi cho‘pon  
Hech suruv boqmagan bog‘bondan ko‘ra.

Botirning kimligin, bilmoq istasang  
Er yigit mardligi jangda ko‘rinar.  
Dononing kimligi maydonda emas,  
Majlis-u mashvarat chog‘i bilinar.



*“Ботир жангда билинар,  
Доно – машваратда”.*

\* \* \*

Хар кимнинг ҳаётда ўз ўрни бордир,  
Баҳосин бермоқقا шошмагил зинхор.  
Косибдан ўқчининг ишини сўрма,  
Заргардан дурадгор чикмоғи бекор.

Ошпаздан ер илмин сўрамоқ душвор,  
Сен анинг сирини деҳқондан сўра.  
Чорванинг нелигин билгувчи чўпон  
Хеч сурув боқмаган боғбондан кўра.

Ботирнинг кимлигин, билмоқ истасанг  
Эр йигит мардлиги жангда кўринар.  
Дононинг кимлиги майдонда эмас,  
Мажлису машварат чоғи билинар.





*“Bo‘ridan qo‘rqqan o‘rmonga kirmaydi”.*


\* \* \*

Bir ishga jahd qilsang, chekinma aslo  
Ruhingni baland qil, jasur bo‘l har dam.  
Dunyoda maqsadga yetmoq istasang  
Avvalo, o‘zingdan qidirgil yordam.

Shijoat qalbingda chiroqday yonsin,  
Har qadam suyanching bo‘lsin iroda.  
Bilsang, to‘lqinlarga dosh berib suzar  
Mardlar darbon bo‘lgan kema daryoda.

Tog‘ oshmoqdan qo‘rqma, u ham bir dovon  
Qat’iy bo‘lsang ahdda, ochilar yo‘ling.  
Har ishda Haqni yod etsang, adl ila  
Doim baland bo‘lgay, qadring-u qo‘ling.

Unutma zahmatsiz rohat yo‘q tugal,  
Mard maydon so‘raydi sen chun bu sirmas.  
Qarshingdagi g‘ovdan cho‘chima zinhor,  
Bo‘ridan qo‘rqqanlar o‘rmonga kirmas.



**“Бўридан қўрққан ўрмонга кирмайди”.**

\* \* \*


Бир ишга жаҳд қилсанг, чекинма асло  
Рухингни баланд қил, жасур бўл ҳар дам.  
Дунёда мақсадга етмоқ истасанг  
Аввало, ўзингдан қидиргил ёрдам.

Шижаат қалбингда чироқдай ёнсин,  
Ҳар қадам суянчинг бўлсин ирова.  
Билсанг, тўлқинларга дош бериб сузар  
Мардлар дарбон бўлган кема дарёда.

Тоғ ошмоқдан қўрқма, у ҳам бир довон  
Қатъий бўлсанг аҳдда, очилар йўлинг.  
Ҳар ишда Ҳақни ёд этсанг, адл или  
Доим баланд бўлгай, қадрингу қўлинг.

Унутма заҳматсиз роҳат йўқ тугал,  
Мард майдон сўрайди сен чун бу сирмас.  
Қаршиングдаги ғовдан чўчима зинхор,  
Бўридан қўрқканлар ўрмонга кирмас.





**“Vahima – dushmanning yo‘ldoshi”.**

\* \* \*

Haq o‘zi mard dilning sirdoshi,  
Alp erur alplarning dildoshi.  
Jang oldi qo‘rwmagil tadbir qil,  
Vahima – dushmanning yo‘ldoshi.

Mashaqqat ranj ila boshlangay,  
Har ezgu maqsadda ish boshi.  
Qo‘rqqanga qo‘shaloq ko‘ringay  
Vahima – dushmanning yo‘ldoshi.

Bir dam boq dilingga, yo‘lingga,  
Samara bermagay ko‘z yoshi.  
Mushkuling azm ila oson qil,  
Vahima – dushmanning yo‘ldoshi.

Garchi sen sardorsan qo‘shinga  
Mas’ulsan mardlarga, yo‘lboshi.  
Haq bo‘lsang shashtingdan qaytma hech  
Vahima – dushmanning yo‘ldoshi.

Tomchi ham tog‘larni yemirar  
Tog‘dan-da zo‘r inson bardoshi.  
Maqsadda yuksakni ko‘zlayver  
Vahima – dushmanning yo‘ldoshi.



## “Вахима – душманнинг йўлдоши”.

\* \* \*

Ҳақ ўзи мард дилнинг сирдоши,  
Алп эрур алпларнинг дилдоши.  
Жанг олди қўрқмагил тадбир қил,  
Вахима – душманнинг йўлдоши.

Машаққат ранж ила бошлангай,  
Хар эзгу мақсадда иш боши.  
Кўрқанга қўшалоқ кўрингай  
Вахима – душманнинг йўлдоши.

Бир дам бок дилингга, йўлингга,  
Самара бермагай қўз ёши.  
Мушқулинг азм ила осон қил,  
Вахима – душманнинг йўлдоши.

Гарчи сен сардорсан қўшинга  
Масъулсан мардларга, йўлбоши.  
Ҳақ бўлсанг шаштингдан қайтма ҳеч  
Вахима – душманнинг йўлдоши.

Томчи ҳам тоғларни емирап  
Тоғдан-да зўр инсон бардоши.  
Мақсадда юксакни кўзлайвер  
Вахима – душманнинг йўлдоши.






**“Dushman dan qo‘rqma, munofiq dan qo‘rq”.**

\* \* \*

Hushyor bo‘l, ogoh bo‘l har ishda  
Safingni mardlar-la to‘ldirgil.  
Aytgan har so‘zingda sobit bo‘l,  
Bo‘lmanishni ham bo‘ldirgil.

Mardliging el-ulus his etsin,  
Boshida panoh bor anglasin.  
So‘z aytsang, Haqdin ayt, adashma  
Kaloming amringni tinglasin.

Dovyurak bo‘lsang-da, unutma  
Maslakdan chekingan yotdan qo‘rq.  
Dushman dan qo‘rqmagil sen, aslo  
Riyokor, munofiq zotdan qo‘rq.





**“Душмандан қўрқма, мунофиқдан қўрқ”.**

\* \* \*

Хушёр бўл, огох бўл ҳар ишда  
Сафингни мардлар-ла тўлдиргил.  
Айтган ҳар сўзингда собит бўл,  
Бўлмаган ишни ҳам бўлдиргил.

Мардлигинг эл-улус ҳис этсин,  
Бошида паноҳ бор англасин.  
Сўз айтсанг, Ҳақдин айт, адашма  
Каломинг амрингни тингласин.

Довюрак бўлсанг-да, унутма  
Маслакдан чекинган ётдан қўрқ.  
Душмандан қўрқмагил сен, асло  
Риёкор, мунофиқ зотдан қўрқ.




***“Eng baland minora ham yerdan ko‘tarilgay”.***

\* \* \*

Niyatdan boshlanar ulkan ishlar ham  
“Bo‘l” degan Haq so‘zdan yaraldi dunyo.  
Bulutlar bag‘ridan tushgan tomchidan  
Jamlanmish pishqirgan har asov daryo.

So‘zdan yaratilmish mangu hikmatlar,  
Navkardan boshlangay qudratli lashkar.  
Qadrini baland tut, e’zozla har vaqt,  
Sen chun fidolikka tayyor har askar.

Haq amri-la topding, marhamat, e’zoz,  
Niholdan ulg‘aygan ulkan chinor ham.  
Bir hikmat ma’nisin unutma, zinhor,  
Yerdan ko‘tarilgay baland minor ham.



*“Энг баланд минора ҳам ердан кўтарилигай”.*

\* \* \*

Ниятдан бошланар улкан ишлар ҳам  
“Бўл” деган Ҳақ сўздан яралди дунё.  
Булутлар бағридан тушган томчидан  
Жамланмиш пишқирган ҳар асов дарё.

Сўздан яратилмиш мангу ҳикматлар,  
Навкардан бошлангай қудратли лашкар.  
Қадрини баланд тут, эъзозла ҳар вақт,  
Сен чун фидоликка тайёр ҳар аскар.

Ҳақ амри-ла топдинг, марҳамат, эъзоз,  
Нихолдан улғайган улкан чинор ҳам.  
Бир ҳикмат маънисин унутма, зинхор,  
Ердан кўтарилигай баланд минор ҳам.






**“Yaxshi odam yurt tuzar, yomon odam yurt buzar”.**

\* \* \*

Kim Rahmon izmida, ezgu yo‘ldadir,  
Kim shayton izmida sarob cho‘ldadir.  
Yaxshilik yo‘lida kim bog‘ yaratar,  
Yovuzlik yo‘lida kim tog‘ yaratar.

Arilar bol yig‘ar, gulshanlar aro,  
To‘ng‘iz payhon etar ne-ne bo‘stonni.  
Qora bulutlarni shamol haydaydi  
Quyosh bezasin deb, ko‘m-ko‘k osmonni.

Har kimning fe’lida jamdir amali,  
Unutma, yomonlar doim yurt buzar.  
Yaxshilik yo‘lini tutgil sen doim,  
Yaxshilar dunyoda faqat yurt tuzar.





**“Яхши одам юрт тузар, ёмон одам юрт бузар”.**

\* \* \*

Ким Раҳмон измида, эзгу йўлдадир,  
Ким шайтон измида сароб чўлдадир.  
Яхшилик йўлида ким боғ яратар,  
Ёвузлик йўлида ким тоғ яратар.

Арилар бол йиғар, гулшанлар аро,  
Тўнғиз пайҳон этар не-не бўйstonни.  
Қора булатларни шамол ҳайдайди  
Қуёш безасин деб, кўм-кўк осмонни.

Ҳар кимнинг феълида жамдир амали,  
Унутма, ёмонлар доим юрт бузар.  
Яхшилик йўлини тутгил сен доим,  
Яхшилар дунёда фақат юрт тузар.




*“Aziz-avliyolar, sahabalar maqbaralarini, qutlug‘ qadamjolarni ziyyorat etmoqni ham farz, ham qarz bilur edim. Qayda bo‘lmay, ziyyoratgohlar oldida otdan tushib, tahorat olgach, yalang oyoq bilan borib, ziyyoratni o‘rinlatdim. Arkon-u davlat, barcha mulozimlarim ham ziyyoratgohlarni ana shunday tavof etmoqni odat bilishdi”.*

\* \* \*

Dunyo obodligi chun, o‘tganlardan qarzdormiz  
Ko‘hna kitoblar ichra, qancha hikmat, da’vat jam.  
Avliyolar so‘zları to‘g‘ri yo‘l – qiblanoma  
Qalb uyingni yoritar, go‘yo tuganmas bir sham.

Shundandir qayga borsam, qutlug‘ qadamjolarni  
Ko‘rgan chog‘ otdan tushmoq odatini qarz bildim.  
Tahorat olgach borib, yalangoyoq tiz cho‘kib  
Ziyorat odobini, men o‘zimga farz bildim.

Arkon-u davlat bari, mulozim-u el-ulus  
Ezgu ibrat tufayli qalblari nurga to‘ldi.  
Ulug‘lar yotgan joyni ziyyorat qilmoq shundan  
Sultanatda barchaga ezgu bir odat bo‘ldi.



*“Азиз-авлиёлар, саҳобалар мақбара ларини, қутлуғ қадамжоларни зиёрат этмоқни ҳам фарз, ҳам қарз билур эдим. Қайда бўлмай, зиёратгоҳлар олдида отдан тушиб, таҳорат олгач, яланг оёқ билан бориб, зиёратни ўринлатдим. Аркону давлат, барча мулозимларим ҳам зиёратгоҳларни ана шундай тавоғ этмоқни одат билишиди”.*

\* \* \*

Дунё ободлиги чун, ўтганлардан қарздормиз  
Кўхна китоблар ичра, канча ҳикмат, даъват жам.  
Авлиёлар сўзлари тўғри йўл – қибланома  
Қалб уйингни ёритар, гўё туганмас бир шам.

Шундандир қайга борсам, қутлуғ қадамжоларни  
Кўрган чоғ отдан тушмоқ одатини қарз билдим.  
Таҳорат олгач бориб, ялангоёқ тиз чўкиб  
Зиёрат одобини, мен ўзимга фарз билдим.

Аркону давлат бари, мулозиму эл-улус  
Эзгу ибрат туфайли қалблари нурга тўлди.  
Улуғлар ётган жойни зиёрат қилмоқ шундан  
Салтанатда барчага эзгу бир одат бўлди.






*“Hamishalig‘ ta’kid etur edim: xon bo‘lsang-da bog‘ yarat, gadoy  
bo‘lsang-da bog‘ yarat – bir kunmas bir kun mevasini tatirsan...”*

\* \* \*

Yaxshilikdan tug‘ilar, endi qutlug‘ an’ana,  
Dunyoni obod etar, xush xulqlar-u da’vatlar.  
Da’vatlar amal ila, elda barqaror bo‘lsa,  
Shundan paydo bo‘lajak, har ko‘ngilda odatlar.

Qayga borsam el ichra bir kalomni qo‘ymadim  
Doim takror ayladim, dilimda-yu tilimda.  
Omonat bir gap kabi, har qadamda uqtirdim  
Qay tomon yuz burmayin kim uchrasa yo‘limda:

“Xon bo‘lsang-da bog‘ yarat, bek bo‘lsang-da bog‘ yarat  
Soyasida salqinlab, yoz chog‘ida yotursan.  
Hatto gadoy bo‘lsang ham bog‘ yaratgin, tolmagin  
Bir kunmas bir kun aning, mevasidan totursan”.



*“Ҳамишалиғ таъкид этур әдим: хон бўлсанг-да боғ ярат, гадой бўлсанг-да боғ ярат – бир қунмас бир қун мевасини татирсан...”*


\* \* \*

Яхшилиқдан туғилар, энди қутлуғ анъана,  
Дунёни обод этар, хуш хулқлару даъватлар.  
Даъватлар амал ила, элда барқарор бўлса,  
Шундан пайдо бўлажак, ҳар кўнгилда одатлар.

Қайга борсам эл ичра бир каломни қўймадим  
Доим такрор айладим, дилимдаю тилимда.  
Омонат бир гап каби, ҳар қадамда уқтиридим  
Қай томон юз бурмайн ким учраса йўлимда:

“Хон бўлсанг-да боғ ярат, бек бўлсанг-да боғ ярат  
Соясида салқинлаб, ёз чоғида ётурсан.  
Хатто гадой бўлсанг ҳам боғ яратгин, толмагин  
Бир қунмас бир қун анинг, мевасидан тотурсан”.





*“Pir-u komil shayx Bahouddin Naqshbandiyning: “Kam yegin, kam uxla, kam gapir” degan pand-u nasihatlariga amal qildim. Arkon-u davlatga, barcha mulozimlarga ham aytar so‘zim shu bo‘ldi: “Kam yenglar – ocharchilik ko‘rmasdan boy-badavlat yashaysizlar, kam uxlanglar – mukammallikka erishasizlar, kam gapiringlar – dono bo‘lasizlar”.*

\* \* \*

Ulug‘lar kitobidan, yo‘lidan ibrat topdim,  
O‘qib o‘rganmoq uchun, doimo fursat topdim.  
Go‘yo behisht bo‘stonin, sayr etgan g‘ulom kabi  
Tafakkur bog‘i aro, hikmat mevasin topdim.

Yodda tutdim Naqshbandning uch da’vatin doimo  
Sen ham tingla, uchlikning ma’nisini fikr qil.  
“Kam yegin-u, kam uxla, kam gapir” demish ul zot  
Bu uch ezgu da’vatni, qalbing ila zikr qil.

Kam yegil – ochlik ko‘rmay, bo‘lursan boy-badavlat  
Kam uxla – mukammallik umringga berur ma’no.  
Kam gapirgil hayotda, aslo shoshib so‘z dema,  
So‘zni isrof qilmagil, so‘zdan dur yasar dono!

*“Пиру комил шайх Баҳоуддин Нақшбандийнинг: “Кам егин, кам ухла, кам гапир” деган панду насиҳатларига амал қилдим. Аркону давлатга, барча мулозимларга ҳам айтар сўзим шу бўлди: “Кам енглар – очарчилик кўрмасдан бой-бадавлат яшайсизлар, кам ухланглар – мукаммалликка эришасизлар, кам гапиринглар – доно бўласизлар”.*

\* \* \*

Улуғлар китобидан, йўлидан ибрат топдим,  
Ўқиб ўрганмоқ учун, доимо фурсат топдим.  
Гўё беҳишт бўстонин, сайр этган ғулом каби  
Тафаккур боғи аро, ҳикмат мевасин топдим.

Ёдда тутдим Нақшбанднинг уч даъватин доимо  
Сен ҳам тингла, учликнинг маънисини фикр қил.  
“Кам егину, кам ухла, кам гапир” демиш ул зот  
Бу уч эзгу даъватни, қалбинг ила зикр қил.

Кам егил – очлик кўрмай, бўлурсан бой-бадавлат  
Кам ухла – мукаммаллик умрингга берур маъно.  
Кам гапиргил ҳаётда, асло шошиб сўз дема,  
Сўзни исроф қилмагил, сўздан дур ясар доно!





*“Millatning dardlariga darmon bo‘lmoq vazifangizdir. Zaifalarni qo‘ring, yo‘qsillarni boylar zulmiga tashlamang. Adolat va ozodlik – dasturingiz, rahbaringiz bo‘lsin”.*


\* \* \*

Adolat oftobga o‘xshaydi go‘yo,  
Munavvar aylaydi jumla jahonni.  
Dunyoni sen obod ko‘rmoqchi bo‘lsang,  
Adolatdan ayro qilma insonni.

Adolatning buyuk homiysi Olloh,  
Unga qarshi bormoq osiylik asli.  
Lekin makkor shayton qutqusi ila,  
Adovat qo‘zg‘aydi goh inson nasli.

Qay yerda xaroba, qay yerda xorlik,  
U joyda adolat yog‘dusi yo‘qdur.  
Adovat, haqsizlik inson qalbiga  
Shayton kamonidan otilgan o‘qdir.

Magar sen Tangriga bandalik qilsang,  
Adolat dasturing bo‘lmog‘i kerak.  
Qalbingga quloq sol har vaqt, har lahza,  
Haq yo‘lga boshlagay u bergen yurak!



*“Миллатнинг дардларига дармон бўлмоқ вазифангиздир.  
Заифаларни қўринг, йўқсилларни бойлар зулмига ташламанг. Адолат  
ва озодлик – дастурингиз, раҳбарингиз бўлсин”.*

\* \* \*


Адолат офтобга ўхшайди гўё,  
Мунаввар айладиди жумла жаҳонни.  
Дунёни сен обод кўрмоқчи бўлсанг,  
Адолатдан айро қилма инсонни.

Адолатнинг буюк ҳомийси Оллоҳ,  
Унга қарши бормоқ осийлик асли.  
Лекин маккор шайтон қутқуси ила,  
Адоват қўзғайди goҳ инсон насли.

Қай ерда хароба, қай ерда хорлик,  
У жойда адолат ёғдуси йўқдур.  
Адоват, ҳақсизлик инсон қалбига  
Шайтон камонидан отилган ўқдир.

Магар сен Тангрига бандалик қилсанг,  
Адолат дастуринг бўлмоғи керак.  
Қалбингга қулоқ сол ҳар вақт, ҳар лаҳза,  
Ҳақ йўлга бошлагай у берган юрак!





*“Cherik tuzib, navkar olmoqda uch qoidaga amal qildim: birinchidan, yigitning kuch-quvvatiga, ikkinchidan, qilichni o‘ynata olishiga, uchinchidan, aql-zakovati-yu kamolotiga e’tibor qildim. Shu uch fazilat jamuljam bo‘lsa, navkarlik xizmatiga oldim. Negakim, kuch-quvvatli yigit har qanday qiyinchiliklarga, azob-u uqubatlarga chidamli bo‘ladi, qilich o‘ynata oladigan kishi raqibini mag‘lub eta oladi, oqil navkar har joyda aql-idrokini ishga solib, mushkulotni bartaraf etmog‘i mumkin”.*

\* \* \*

Tog‘lar, salobatli, viqorli tog‘lar,  
Mag‘rur qoyalari alp o‘g‘lon misol.  
Ming turli giyohlar, chechaklar chaman,  
Inson shuurini qoldiradi lol.


Shamol-u bo‘ronlar turmasin qancha,  
Yemira olmaydi tog‘-u qoyani.  
Ularga ibrat-la boqqan har inson,  
Ko‘ngliga tugadi ajib g‘oyani.

Saltanat istaydi podshohlar yonib,  
Ming yillar tog‘larday turguvchi, ko‘rkam.  
Men tog‘day ulug‘vor tuzdim sultanat,  
Mendan so‘ng abadiy qolsin u bekam.

Davlatim qudrati lashkar-la ortdi,  
Ammo lek, undan-da zo‘r qudrat bordir.  
Qay elda sodiq, mard, fidoyi zot ko‘p,  
U yurtga abadiy saodat yordir.

Davlatim jon fido el-yurt asradi  
Fidokor me’morlar ayladi obod.  
Gar elda shundayin zotlar kamaysa  
Shu kun sultanatim bo‘lajak barbob.

Ne bo‘lsa qoldirgum zamon hukmiga,  
Bir so‘zim anglasin taxtga kim kelur.  
Jonfido insonlar qancha ko‘p bo‘lsa,  
Mamlakat tog‘ kabi mustahkam bo‘lur.



*“Черик тузиб, навкар олмоқда уч қоидага амал қилдим: биринчидан, ийгиттинг куч-қувватига, иккинчидан, қиличиң үйната олишига, учинчидан, ақл-заковати-ю камолотига эътибор қилдим. Шу уч фазилат жамулжас бўлса, навкарлик хизматига олдим. Негаким, куч-қувватли ийгит ҳар қандай қийинчиликларга, азобу уқубатларга чидамли бўлади, қилич үйната оладиган киши рақибини маглуб эта олади, оқил навкар ҳар жойда ақл-идрокини ишга солиб, мушкулотни бартараф этмоги мумкин”.*

\* \* \*

Тоғлар, салобатли, викорли тоғлар,  
Мағур қоялари алп ўғлон мисол.  
Минг турли гиёхлар, чечаклар чаман,  
Инсон шуурини қолдиради лол.

Шамолу бўронлар турмасин қанча,  
Емира олмайди тофу қояни.  
Уларга ибрат-ла боқсан ҳар инсон,  
Кўнглига тугади ажиб ғояни.

Салтанат истайди подшоҳлар ёниб,  
Минг йиллар тоғлардай тургувчи, кўркам.  
Мен тоғдай улуғвор туздим салтанат,  
Мендан сўнг абадий қолсин у бекам.

Давлатим қудрати лашкар-ла ортди,  
Аммо лек, ундан-да зўр қудрат бордир.  
Қай элда содик, мард, фидойи зот кўп,  
У юрга абадий саодат ёрдир.

Давлатим жон фидо эл-юрт асрани  
Фидокор меъморлар айлади обод.  
Гар элда шундайин зотлар камайса  
Шу кун салтанатим бўлажак барбод.

Не бўлса қолдиргум замон ҳукмига,  
Бир сўзим англасин тахтга ким келур.  
Жонфидо инсонлар қанча кўп бўлса,  
Мамлакат тоғ каби мустаҳкам бўлур.





*“Har toifa va sinfdan kimki o‘z ixtiyori bilan sipohiylik xizmatiga kirishni istasa, uni harbiy(xizmat)ga olsinlar. Asl va shijoatli sipohiyzoda qaysi toifadan bo‘lmasin, unga o‘rin berib, xizmatiga va ishiga qarab tarbiyat qilsinlar”.*


\* \* \*

Yosh nihol hamisha madadga muhtoj,  
Bir shirin mevadan u bersa darak.  
Magarda o‘zingni chin bog‘bon bilsang,  
Unga sendan mehr, e’tibor kerak.

Va yoki sarg‘aygan daraxt qoshingda,  
Majolsiz quyoshga talpinib tursa.  
Qurigan shoxin qirq, tirkak qo‘y, ko‘tar,  
Bo‘y cho‘zsin, mehring ber, qo‘lingdan kelsa.

Nasl ham niholdur umid-imkoning  
E’zozla yosh dilning shijoatini.  
Murabbiy singari tarbiyat etgil,  
So‘ng o‘zing ko‘rarsan jasoratini.

Saltanat shohi ham chin bog‘bon asli,  
Har tolibga o‘zni ustoz deb bilsa,  
Hukmidan bo‘y cho‘zar adolat qasri,  
Yuksalar, yoshlarni tarbiya qilsa!



*“Ҳар тоифа ва синфдан кимки ўз ихтиёри билан сипоҳийлик хизматига кириши истаса, уни ҳарбий(хизмат)га олсинлар. Асл ва шижаатли сипоҳийзода қайси тоифадан бўлмасин, унга ўрин бераб, хизматига ва ишига қараб тарбият қилсинлар”.*

\* \* \*

Ёш ниҳол ҳамиша мададга муҳтоҷ,  
Бир ширин мевадан у берса дарак.  
Магарда ўзингни чин боғбон билсанг,  
Унга сендан меҳр, эътибор керак.

Ва ёки сарғайган дараҳт қошингда,  
Мажолсиз қуёшга талпиниб турса.  
Куриган шоҳин қирқ, тиргак қўй, кўтар,  
Бўй чўзсин, меҳринг бер, қўлингдан келса.

Насл ҳам ниҳолдур умид-имконинг  
Эъзозла ёш дилнинг шижаатини.  
Мураббий сингари тарбият этгил,  
Сўнг ўзинг кўрарсан жасоратини.


Салтанат шоҳи ҳам чин боғбон асли,  
Ҳар толибга ўзни устоз деб билса,  
Ҳукмидан бўй чўзар адолат қасри,  
Юксалар, ёшларни тарбия қилса!





*“Men kabi uzun sultanat surmoq istasangiz qilichingizni yaxshi o‘ylab chekingiz. Orangizga nifoq tuxumlari ekilmasligi uchun ko‘p diqqat bo‘ling. Ba’zi nodimlaringiz va dushmanlaringiz nifoq tuxumlari sochmoqqa, bundan foydalanmakka intilajakdurlar. Faqat vasiyatimda sizga idora shaklini, uning ilkularini ko‘rsatdim. Bularga sodiq qolsangiz, tosh boshingizga tushmas...”*

\* \* \*



Hayotga sen ibrat ko‘zi ila boq,  
Sababsiz oqibat hargiz ko‘rmaysan.  
Har qadam dars senga, har qadam saboq,  
G‘aflatga berilsang, hech ne bilmaysan.

Bir boshqoq topsa ham murg‘ak chumoli,  
Yuztasi madadga shoshar begumon.  
“Birlashgan o‘zar” bu ular shiori,  
Ko‘p bilan og‘iring yengildur inon.

Goh ari inini yov etsa vayron,  
Qo‘zg‘alar minglarcha mittigina jon.  
Dushmanin ayovsiz chaqib, quvishar,  
Zo‘r lashkar singari kurashar chunon.

Janubga ko‘z tikkan yo‘lchi turnalar –  
Maqsad manziliga otlangan karvon.  
Ming turli azobni yengib o‘tishar,  
Oldinda adashmay yo‘l boshlar sarbon.

Uch ibrat timsolin hukmi shu erur:  
– Qaydaki birlik bor, marddir yo‘lboshchi.  
U yurtga yovuzlik sololmas rahna,  
U eldan hayiqar har qanday “ovchi!”

Yolg‘iz otning dong‘i chiqmas, bu ayon,  
Eldan ayro burma yuz-u ko‘zingni.  
Yurtingni unutma, borsang gar qayon,  
Qilichday o‘tkir qil aytar so‘zingni.

Saltanat zaifdur oqil rahbarsiz,  
Tarqoq el yuksalmas, holi bo‘lur tang.  
Hamjihat maqsadga tezroq yetarsiz,  
Bir maqsad yo‘lida birlashib yashang!

*“Мен каби узун салтанат сурмоқ истасангиз қиличингизни яхши ўйлаб чекингиз. Орангизга нифоқ тухумлари экилмаслиги учун қўп диққат бўлинг. Баъзи нодимларингиз ва душманларингиз нифоқ тухумлари сочмоққа, бундан фойдаланмакка интилаажакдурлар. Фақат васиятимда сизга идора шаклини, унинг илкуларини қўрсатдим. Буларга содик қолсангиз, тош бошингизга тушимас...”*

\* \* \*

Хаётга сен ибрат кўзи ила боқ,  
Сабабсиз оқибат ҳаргиз кўрмайсан.  
Хар қадам дарс сенга, хар қадам сабоқ,  
Faflatga берилсанг, ҳеч не билмайсан.

Бир бошоқ топса ҳам мургак чумоли,  
Юзтаси мададга шошар бегумон.  
“Бирлашган ўзар” бу улар шиори,  
Кўп билан оғириңг енгилдур инон.

Гоҳ ари иинини ёв этса вайрон,  
Кўзғалар мингларча миттигина жон.  
Душманин аёвсиз чақиб, қувишар,  
Зўр лашкар сингари курашар чунон.

Жанубга кўз тиккан йўлчи турналар –  
Мақсад манзилига отланган карвон.  
Минг турли азобни енгиб ўтишар,  
Олдинда адашмай йўл бошлар сарбон.

Уч ибрат тимсолин ҳукми шу эрур:  
– Қайдаки бирлик бор, марддир йўлбошчи.  
У юртга ёвузлик сололмас раҳна,  
У элдан ҳайикар ҳар қандай “овчи!”

Ёлғиз отнинг донғи чиқмас, бу аён,  
Элдан айро бурма юзу кўзингни.  
Юртингни унутма, борсанг гар қаён,  
Қиличдай ўткир қил айтар сўзингни.

Салтанат заифдур оқил раҳбарсиз,  
Тарқоқ эл юксалмас, ҳоли бўлур танг.  
Ҳамжиҳат мақсаддага тезроқ етарсиз,  
Бир мақсад йўлида бирлашиб яшанг!





*“Har neki desam unga amal qildim. Hech kimga g‘azab bilan qattiq muomalada bo‘lmadim va hech bir ishda tanglik qilmadim”.*

*“Qilmoqchi bo‘lgan ishlarini qilmasdan qoldirmasinlar. Agar biror ishni qilmaslikka so‘z berar ekanlar, yaqiniga ham yo‘lamasinlar. Xotirdan chiqmasinkim, Tangri taolo jasur kishilarni ardoqlaydi”.*

\* \* \*

Tun – zulmatning podshohi  
Kunduz – oftob yo‘ldoshi.  
Qay biri hukmrondir  
Amrida lashkarboshi.  
Qaro tun ming chiransin,  
Oftobdek nur berolmas.  
Qayda ziyo, yog‘du bor,  
Zulmat yaqin kelolmas.  
Pok bo‘lsa diling – o‘ying,  
Adashmassan yo‘lingdan.  
Ozor chekmas hech bir zot,  
Qilich tutgan qo‘lingdan.  
Tiling, diling amrini,  
Tasdiq etgil, ko‘rsatgil.  
Nohaq jabr ko‘rganni,  
Himoya et, yupatgil.  
Har ne desang til bilan  
Tasdiq etgil amalda.  
So‘zing va harakating,  
To‘smasin qora parda.  
Bahormisan, bahor bo‘l,  
Yashnat qir-u adirni.  
O‘z yo‘lingda ustod bil,  
Harakat-u sabrni.  
Qaro bo‘lsa amaling,  
Sen yiroqsan quyoshdan.  
Saltanating asragil,  
Mazlumlar to‘kkан yoshdan.  
Har bir aytgan so‘zingga,  
Ibrat ko‘rsat, amal et.  
Xudo yor bo‘lsin senga,  
O‘g‘lim murodingga yet!

**“Ҳар неки десам унга амал қилдим. Ҳеч кимга газаб билан қаттиқ муюомалада бўлмадим ва ҳеч бир ишда танглик қилмадим”.**

**“Қилмоқчи бўлган ишларини қилмасдан қолдирмасинлар. Агар бирор ишини қилмасликка сўз берар эканлар, яқинига ҳам йўламасинлар. Хотирдан чиқмасинким, Тангри таоло жасур кишиларни ардоқлайди”.**

\* \* \*


Тун – зулматнинг подшоҳи  
Кундуз – офтоб йўлдоши.  
Қай бири ҳукмрондир  
Амрида лашкарбоши.  
Қаро тун минг чирансин,  
Офтобдек нур беролмас.  
Қайда зиё, ёғду бор,  
Зулмат яқин келолмас.  
Пок бўлса дилинг – ўйинг,  
Адашмассан йўлингдан.  
Озор чекмас ҳеч бир зот,  
Қилич тутган қўлингдан.  
Тилинг, дилинг амрини,  
Тасдиқ этгил, қўрсатгил.  
Ноҳақ жабр кўрганни,  
Ҳимоя эт, юпатгил.  
Ҳар не десанг тил билан  
Тасдиқ этгил амалда.  
Сўзинг ва ҳаракатинг,  
Тўсмасин қора парда.  
Баҳормисан, баҳор бўл,  
Яшнат қириу адирни.  
Ўз йўлингда устод бил,  
Ҳаракату сабрни.  
Қаро бўлса амалинг,  
Сен йироқсан қуёшдан.  
Салтанатинг асрагил,  
Мазлумлар тўккан ёшдан.  
Ҳар бир айтган сўзингга,  
Ибрат қўрсат, амал эт.  
Худо ёр бўлсин сенга,  
Ўғлим муродингга ет!





*“Alhamdulilloh, Tangri taoloning yordami-la ma’murayi olamni shunday zabit etdimki, bugun tamom Eron-u Turonda biron kishining boshqalarning ishiga aralashish yoki jabr-u bepok qo‘lini bechoralarga ozor berish uchun ko‘tarishga majoli yo‘qdir. Gunohim qancha ko‘p bo‘lsa ham kechiringlar deb, Tangri taoloning mulkini beqiyos saxiylik bilan qo‘riqladim, zolimlarning taaruzli qo‘lini mazlumlarning hayot etagidan yulib tashladim. Saltanat qurib o‘ltirganimda, eshitmagan yoki menga xabar qilmagan, yoxud dunyo sobit bo‘lmagan paytlardan boshqa vaqtida zo‘ravonning zaif ustidan zo‘ravonlik qilishiga yo‘l qo‘ymadim...”*

\* \* \*



Yer-u ko‘kning egasi –  
Olloh buyuk bunyodkor.  
Pok ersang qahr qilmas,  
Besabab bermas ozor.  
Marhamati tengsizdir,  
Rizq berar u dunyoga.  
Jonom fido ayladim,  
O‘shal sohib ziyoga.  
Asli davlat Tangrining  
Fazl-u inoyatidir.  
Qalbda uyg‘ongan qudrat,  
Tangrining oyatidir.  
Biz-chi, bizlar shohmiz lek,  
Bandadirmiz Ollohga.  
Garchi davlat qo‘ldadir,  
Muhtojdirmiz panohga.  
Davlatimiz Tangrining  
Mo‘jizasi – mulkidur.  
Lek davlatni yashnatgan,  
Inson aqli, ilkidur.  
Ezgu yo‘lda qalblarga  
Yog‘du bergen iymondir.  
Tangri dilga solganin  
Bajarguvchi insondur.  
Shukr, Tangri hukmi-la,  
Bizlar murodga yetdik.  
Dunyo obodligiga  
Sababchi bo‘lib o‘tdik.

*“Алҳамдуиллоҳ, Тангри таолонинг ёрдами-ла маъмурайи оламни шундай забт этдимки, бугун тамом Эрону Туронда бирон кишининг бошқаларнинг ишига аралашии ёки жабру бепок қўлини бечораларга озор бериши учун кўтаришига мажоли йўқдир. Гуноҳим қанча қўп бўлса ҳам кечиринглар деб, Тангри таолонинг мулкини бекиёс сахийлик билан қўриқладим, золимларнинг таарузли қўлини мазлумларнинг ҳаёт этигидан юлиб ташладим. Салтанат қуриб ўлтирганимда, эшишмаган ёки менга хабар қилмаган, ёхуд дунё собит бўлмаган пайтлардан бошқа вақтда зўравоннинг заиф устидан зўравонлик қилишига йўл қўймадим...”*

\* \* \*

Еру кўкнинг эгаси –  
Оллоҳ буюк бунёдкор.  
Пок эрсанг қаҳр қилмас,  
Бесабаб бермас озор.  
Марҳамати тенгсиздир,  
Ризқ берар у дунёга.  
Жоним фидо айладим,  
Ўшал соҳиб зиёга.  
Асли давлат Тангрининг  
Фазлу иноятидир.  
Қалбда уйғонган құдрат,  
Тангрининг оятидир.  
Биз-чи, бизлар шоҳмиз лек,  
Бандадирмиз Оллоҳга.  
Гарчи давлат қўлдадир,  
Мухтождирмиз паноҳга.  
Давлатимиз Тангрининг  
Мўъжизаси – мулкидур.  
Лек давлатни яшнатган,  
Инсон ақли, илкидур.  
Эзгу йўлда қалбларга  
Ёғду берган иймондир.  
Тангри дилга соганин  
Бажаргувчи инсондур.  
Шукр, Тангри ҳукми-ла,  
Бизлар муродга етдик.  
Дунё ободлигига  
Сабабчи бўлиб ўтдик.






## *XOTIMA*

Qadimdan sahroda adashgan karvon,  
Yulduzlarga qarab toparmish yo‘lni.  
Najot timsolidir, har odil sarbon,  
Sarobga aldanmay, bosib o‘tar cho‘lni.

Yulduzlar, yulduzlar, sirli yulduzlar,  
Yo‘l boshlar karvonga ezgulik tomon.  
Demakki, yulduzlar qancha ko‘p bo‘lsa,  
Maqsad karvoni ham topajak omon.

Moziy osmonida charaqlab yonar,  
Bizga yo‘l ko‘rsatib buyuk siymolar.  
Ko‘ngil shu yulduzlar sari talpinar,  
Bosh uzra nur sochar uyg‘oq Sinolar.

Ahmad al-Farg‘oniy, imom Buxoriy,  
So‘nmas yulduzidir, jumla jahonni.  
Elim, hur yo‘lingdan adashmay desang,  
Yod et porloq yulduz – Sohibqironni!



## ***ХОТИМА***

Қадимдан сахрода адашган карвон,  
Юлдузларга қараб топармиш йўлни.  
Нажот тимсолидир, ҳар одил сарбон,  
Саробга алданмай, босиб ўтар чўлни.

Юлдузлар, юлдузлар, сирли юлдузлар,  
Йўл бошлар карвонга эзгулик томон.  
Демакки, юлдузлар қанча кўп бўлса,  
Мақсад карвони ҳам топажак омон.

Мозий осмонида чараклаб ёнар,  
Бизга йўл қўрсатиб буюк сиймолар.  
Кўнгил шу юлдузлар сари талпинар,  
Бош узра нур сочар уйғоқ Синолар.

Аҳмад ал-Фарғоний, имом Бухорий,  
Сўнмас юлдузидир, жумла жаҳонни.  
Элим, ҳур йўлингдан адашмай десанг,  
Ёд эт порлоқ юлдуз – Соҳибқиронни!



## СҮНГСҮЗ ЎРНИДА

Миллий ўзлик туйғуси ва тарихийлик таниқли шоир Минҳожиддин Мирзо ижодининг устувор мавзуларидан биридир. Унинг “Соҳибқирон ёғдуси” достонида жаҳон адабиётида илк маротаба буюк саркарда, мутафаккир, давлат арбоби Амир Темур Тарағай қаламига мансуб “Темур тузуклари” асаридаги хикматларнинг шеърий талқини яратилган.

Тарих дарслари орқали буюк бобокалонимиз Амир Темурнинг нафакат улкан салтанатни вужудга келтирганини, шу билан бирга илм-фан, маданият, меъморчилик, адабиёт ва санъатнинг тараққий этишида Шарқ, хусусан, Марказий Осиёда янги Темурийлар даврига асос солғанлиги ҳақида маълумотга эга бўлган ўкувчилар шоир Минҳожиддин Мирзонинг “Соҳибқирон ёғдуси” достонини ўқиш ва тушуниш жараённида миллий ўзлик ва миллий маънавият, Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларининг моҳиятини янада чукурроқ англайдилар. Асар дунёни ҳайратга солған “Темур тузуклари”нинг шеърий талқини бўлиб, бизни буюк ҳикматлар билан яқиндан танишитиради. Зиддиятларга тўла дунё, ички низолар, хиёнат ва ёлғон урчиган салтанатнинг сиёсий фитналари силсиласида ҳам Амир Темур дошишмандлик йўлини тутади. Ҳар қандай машаққатнинг, муаммоларнинг ечимини эзгу ният орқали топиш мумкинлигини амалда исботлайди. Зоро, Соҳибқирон учун Ҳақ иродаси ҳам азалий, ҳам қудратли кучга эга. Шу нуқтаи назардан “Тузуклар” – комиллик хислатлари ва тамойилларининг бебаҳо маърифий-бадиий қомусидир. Тарихчи олим Ибн Арабшоҳнинг гувоҳлик беришича, “Темур илм аҳлига меҳрибон бўлиб, саййид шарифларни ўзига яқин тутарди. Уламо ва фозилларга тўла иззат кўрсатиб, уларни ҳар қандай кимсадан тамом муқаддам кўрар эди”.

Соҳибқирон бобомиз “Темур тузуклари”да: “... баҳтли фарзандларим ва қудратли набираларимга маълум бўлсинким, мен сайдиллар, уламо, машойих, оқилу донолар, муҳадислар, тарихшуносларни сара ва эътиборли одамлар хисоблаб, хурматларини ўрнига қўйдим”, дея таъкидлайдилар. Бу ҳикматлар достонда жўшқин эҳтирос, залворли мантиқ, гўзал ва равон шоирона тилда ифодаланган. Минҳожиддин Мирзо достоннинг муқаддимасида шундай дейди:

*Ўқтам боболарга издоши авлодсан,  
Қаддинг тут, маърифат қуёшинг бўлсин.  
Бобонгдан қолган у улуғ мерослар,  
Ҳар лаҳза паноҳинг – йўлдошинг бўлсин.*

“Тузуклар”да адолат масаласига алоҳида эътибор берилиши диққатга сазовордир. Тарихдан маълумки, Амир Темур бобомиз пароканда мамлакатни тиклашни, тартиб-интизом ва адолат ўрнатиш, ҳалқнинг тинчлиги ва фаровонлигини таъминлашни бош мақсади деб билган. Шоир “Тузуклар”ни янгича нигоҳ, дунёning энг

илғор адабий анъаналари ва услублари асосида ўргангандиги туфайли Соҳибқироннинг ички қиёфасини, руҳий оламини юксак маҳорат билан ёритади, унинг тарих олдидағи улуғвор хизматларини ёшларга ибрат сифатида кўрсатади. Ҳар бир ҳалқнинг буюклиги ва қудрати унинг азалий илдизлари ва бой мероси билан боғлиқ. Бу қадим мерос янги авлодларга безавол



етказилгандагина миллат ўзининг улуғворлигини сақлаб қолади. Улуғ саркарданнинг эзгулик ва маърифий нур билан сайқалланган афоризмлари буғуннинг қадриятлари билан уйғунлашганлиги асарнинг энг катта ютуғидир.

Амир Темур ҳикматлари достонда янгича маъно касб этиб, ёш авлодни миллат дардларига дармон бўлиш, халққа фидокорона хизмат қилишдек бунёдкорликларга ўз ҳиссасини қўшишга даъват қиласди. Темурийлар даврида яратилган барча моддий ва маънавий бойликлар, адабиёт ва санъат асарлари халқимизнинг дунё миқёсидаги нуфузини мустаҳкамлашда муҳим босқич бўлди. Минҳожиддин Мирзо Соҳибқирон ҳаёти ва фаолиятини ўргангандан, унинг тарих олдидағи буюк хизматларини англаган миллатнинг рухияти бақувват, ёшларининг келажаги порлоқ бўлишига китобхонни ишонтиради. Дарҳақиқат, бизнинг миллий гуруримиз, ифтихоримиз Ватанга муҳаббатимизда намоён бўлади.

Атоқли адабиётшунос олим Қ. Йўлдош тўғри таъкидлаганидек: “Минҳожиддин Мирзо сўзни нозик ҳис қиласди. Шу сабаб сўз билан маъно мутаносиблигига эришишга алоҳида эътибор қаратади”. Достонда ҳам шу мутаносиблик кўзга яқол ташланади. Молу давлатни эл фаровонлиги ва мамлакатни мустаҳкамлаш ҳамда бунёдкорлик йўлида сарфлаш, илм аҳлини улуғлаш каби олийҳимматлик, холис ният, мурувват фақат Амир Темур каби улкан шахсларга хос. Шоир Соҳибқироннинг ҳаётбахш ўйтларини, унинг қалбидаги виждан ва иймон, адолат ва бирлик масъулиятини пок туйғулар билан яшаётган, муazzзам орзулар ила келажакка интилаётган ёшлар англашини, келажакда бу юкни кўтаришга қодир бўлишини истайди:

Ҳаётга сен ибрат кўзи ила боқ,  
Сабабсиз оқибат ҳаргиз кўрмайсан.  
Ҳар қадам дарс сенга, ҳар қадам сабоқ,  
Гафлатга берилсанг, ҳеч не билмайсан.

Достон Соҳибқирон шахсияти ва ноёб меросини ўрганишнинг янги саҳифасини очганлиги ҳамда замонавий темуршуносликда ўзига хос воқеа бўлғанлиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Шунинг баробарида курашларда енгилмасликни ўргатади, Амир Темур бобомиздан мерос Ватанга муҳаббат, миллий ўзликни англаш туйғуларидан сабоқ беради. Умри қийинчиликлар, жанг машаққатлари ичра ўтганига қарамасдан буюк ҳукмдор ҳеч қачон давру даврондан нолимайди, аксинча, дуо ва эътиқод умидида тинчлик ва эҳсонни ҳаёти ҳамда сиёсий фаолиятининг бош мезонига айлантиради. Унинг ҳукмлари ҳамиша эзгулик ва яхшиликка, меҳр-мурувватга йўналтирилган бўлиб, у ўзининг бунёдкорлик ва яратувчанлик иқтидорини шунчалар ёрқин намоён этди. Фарзандларимизнинг навқирон қалбларини тўлқинлантириб, мустақил ҳаётда муносиб ўринларини топишларида, ватанга садоқатли, Соҳибқиронга муносиб авлод бўлиб улғайишларида даъватнома вазифасини ўтайди.

Муаллиф тасвир этилаётган ўтмиш ҳаётининг манзарасини тўла гавдалантириш, яъни асарнинг ҳаққонийлигини таъминлаш учун ўша даврнинг тилига оид хусусиятларни ҳам сақлашга уринар экан, албатта, халқ оғзаки ижодига мурожаат қиласди. Достон замиридаги олийжаноб ғоянинг ифодасида миллий туйғулар кучлилиги, қаҳрамон кечинмаларининг руҳий-ахлоқий далилланганлиги, воқеалар тасвирида тарихий ҳақиқат акс этганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Шоир китобхон рухиятида хиссий-эмоционал түғён уйғотиш, ҳар бир образнинг





тарбиявий-маърифий-эстетик моҳиятини кенг ёритишга, Соҳибқироннинг улкан ватанпарвар шахс, юксак салоҳият соҳиби сифатидаги беқиёс имкониятларини, олам ва одамни англаш, идрок этиш иқтидорини очишга интилади.


“Тузук”ларнинг тарих синовларига бардош берган, эл-юртнинг бугуни ва эртасига хизмат қила оладиган, ахлоқий-маърифий жиҳатдан юксак, фалсафий теранлик балқиб турган ҳикматлари Ватан ва Миллат тақдири, миллий қадриятлар залвори китобхон маънавий-эстетик олами нуқтаи назаридан талқин қилинади. Муаллиф ижодий нияти ифодаси айнан мақол ва маталлар воситасида ёрқин ва тўлақонли чизиб берилади ҳамда бир-бiri билан боғланиб, тасвир ҳаққонийлиги ҳамда эстетик таъсиричанликни янада кучайтиради. Иккинчи Ренессанс даврида муштарак илм ва маънавият, сиёsat ва ижтимоий ҳаёт ҳақиқатларини тасвирлашда миллий тафаккурнинг лисоний шакллари лексик сатҳдаги бирлик воситасида намоён бўлади.

Ҳақиқий сўз санъаткорининг онгу шуурига бутун умри давомида алла ва эртаклар, мақол ва маталлар турли йўллар билан бевосита ва билвосита таъсир этиб келади. Фольклор поэтикаси ва лексикасидан унумли фойдаланган М. Мирзо дoston тилининг содда ва равон, образга бой ва халққа яқин бўлишига эришди. Халқ донолиги акс этган пишиқ – пухта, ихчам мақол ва маталлар муаллиф мақсадини ёрқин ва аниқ ифодалashi билан кучли таассурот қолдиради.

Ўзбеклар азал-азалдан ёши улуғларни эъзозлайди, кичкентойларга шафқат ва муҳаббат кўзи билан боқади. Кўплаб мақолу маталлар, ибораларда халқимизнинг бағрикенглиги, меҳр-оқибати улуғланади. “Каттага хурматда бўл, Кичикка иззатда”, “Каттани мақта, кичикни сақла”, “Каттага – хурмат, Кичикка – шафқат” каби мақолларда саховат, муруват каби энг гўзал инсоний туйғулар акс этади. Шоир юксак маҳорат билан танлаган иборалар достоннинг ғояси, моҳияти ва бадииятига ижобий таъсир кўрсатган.

Улуғлар ҳар бири бебаҳо давлат,  
Ҳикматлар жам бўлган улкан бир китоб.  
Кичиклар-чи, сенга фарзанд, эъзозла,  
Ёдда тут, барчага баробар офтоб –

Турғун бирикмалар муаллифнинг фикр баёнида содда ва равонликка, фалсафий теранликка эришишини таъминлайди. Достоннинг мазкур фаслида шоир “Каттага хурматда бўл, Кичикка иззатда” мақолидан ижодий фойдаланади. Инверция талаби билан ўзгартирилган иборанинг бир қатор семалари намоён бўлади. Шоир достонда ибораларни унумли қўллаш билан бирга уларни моҳирона қофиялайди, асар ғояси, мазмуни, шакли, таъсиричанлигини таъминлашда образли воситаларни заргарона қўллайди. Мақол ва маталлар фақат ижодий ўзлаштириладиган бадиий материалгина эмас, балки шоирда янги тасаввурлар уйғотувчи, унга илҳом берувчи, қаламга олинаётган воқеликни турли бўёкларда бера олувчи бебаҳо хазинадир. Минҳожиддин Мирзо “Соҳибқирон ёғдуси” достонида сўзнинг ҳақиқий моҳиятини, унинг таг маъноларини ҳис этиб, уларни ўринли қўллаш жараёнида ниҳоятда оригинал, образли бадиий нутқ яратадиган. Ҳамда чин маънодаги сўз устаси сифатида турғун бирликларнинг ранг-баранг жилоларини, ички маъноларини кашф этади. Шоир тилининг ўзига хослиги ва бойлиги унинг



минҳожиддин Мирзо “Соҳибқирон ёғдуси” достонида сўзнинг ҳақиқий моҳиятини, унинг таг маъноларини ҳис этиб, уларни ўринли қўллаш жараёнида ниҳоятда оригинал, образли бадиий нутқ яратадиган. Ҳамда чин маънодаги сўз устаси сифатида турғун бирликларнинг ранг-баранг жилоларини, ички маъноларини кашф этади. Шоир тилининг ўзига хослиги ва бойлиги унинг

бадий тил унсурларидан унумли фойдалана олишида, сўз ўйинлари, иборалар танлашида, мақол, матал ва топишмоқларни ўринли қўллашида янада ёрқинроқ кўзга ташланади. У ўз ғоявий ниятига мос образлардан илҳомланади, уларга янгича ранг, оҳанг ва рух беради. Масалан, “Дуо билан эл кўкарап, Ёмғир билан ер кўкарап” мақолини шоир ижодий ўзгартириб, “киргин билан юрт кўкармас” шаклида қўллади.

Мақоллар ва ибораларининг коннотатив маънода қўлланилиши достонда образлиликни ошириб кўрсатишга, сўзнинг ички хусусиятларини, маъно кирраларини очиб беришга хизмат қиласди. “Тузуклар”даги “Бир калима ширин сўз килични қинга киритар” ҳикматини шоир шундай ифодалайди:

*Бир калом ширин сўздан,  
Киргай илон инига.  
Инсон-чи, соглай шаксиз  
Қиличини қинига.*

Шоир “Яхши гап билан илон инидан чиқар, Ёмон гап билан пичоқ қинидан чиқар” деган халқ мақолини “Бир калом ширин сўздан, Киргай илон инига” кўринишида қўллаб, стилистик бўёқдорликни ҳосил қиласди. Муаллифнинг фикрини ёрқинроқ ёритишида қилич асосий вазифани бажаряпти. Машхур мақол ижодкорнинг маҳорати билан янгича ифодаланган, таъсирчанлиги ошган.

Шоир ўкувчини мушоҳадага ундаш, унда Соҳибқирон “Тузуклар”и ҳақида кучли таассурот уйғотиш мақсадида халқ орасида кўп қўлланувчи мақол ва ибораларга тез-тез мурожаат қиласди. Мақол ва маталлардаги заковат ёғдуларида, тафаккур гўзллиги, сўзларнинг ихчамлиги ва оддийлигига, маъносининг ўткирлигига халқимизнинг миллий ўзлиги, фалсафий-ахлоқий қарашлари, маънавияти ифодаланади.

*Оловни оловда ўчириб бўлмас,  
Гулханни сув билан сўндирап олим.*

Кўриниб турибдики, ҳикматли сўз ва барқарор бирикмалар муҳим омил сифатида асарни ихчам, мазмундор, ёқимли ва оҳангдор бўлишини таъминлаяпти. Достонда қўлланган мақол ва иборалар муаллиф мақсадини ифодалашнинг муҳим воситаси сифатида воқеликнинг моҳиятини тўлиқ акс эттиради, миллий ўзлик туйғуси билан уйғунлашган сержило бадий нутқ ўкувчи рухиятига кучли таъсир этади, унда у ёки бу воқеа, ҳолатга нисбатан ўзига хос ҳиссиёт уйғотади.

Халқ ибораларига яқин, маънодош янги-янги шакллар кашф қилишлик М. Мирзонинг индивидуализмига хос хусусиятларданadir. Шоир шеъриятида халқ оғзаки ижодига хос қофияланиш, оҳангдорлик, халқчиллик, соддалик, мазмун ва шакл ихчамлиги, маъно қўллашнинг кенгайиб ёки торайиб бориши ҳам қузатилади. У юксак маҳорат билан танлаган иборалар достоннинг гояси, моҳияти ва бадииятига ижобий таъсир кўрсатган.

Муаллифнинг халқ мақоллари, ҳикматли сўзлар ва иборалардан унумли ва ўринли фойдаланиши “Соҳибқирон ёғдуси” достонига таъсирчанлик, оҳангдорлик ва поэтик сайқал баҳш этган. Энг муҳими, баъзи мақол ва ибораларнинг маъноси бойитилиб, эмоционал-экспрессив бўёқлари қуюқлашган, натижада достон тили жонли сўзлашув нутқига янада яқинлашган. Достоннинг равонлиги ва бадиий-эстетик салмоқдорлигини оширган. “Соҳибқирон ёғдуси” асарида қўлланган тасвирий воситалар ижодкор услубининг бетакрорлиги, унинг ўзига хос поэтик






маҳоратидан дарак бериш баробарида достон таъсирчанлигини оширади, китобхонда қизиқиши уйғотади, уни ўйлашга, мушоҳада қилишга ундейди, ўтмиш ва келажак ҳақида түғри хulosалар чиқаришга даъват этади. Минҳожиддин Мирзо қайси мавзуни қаламга олмасин, маънавий руҳий кечинмаларни ҳам, башарий туйғуларни ҳам азиз она юртининг, замондошларининг тақдиди билан узвий боғлиқликда талқин қиласиди, мустақил Ўзбекистоннинг бугунги камоли, ўзбек ҳалқининг маънавий ички гўзаллигидан фахрланади.

Буюк давлат арбоби Темур бобомиз қалбни иймон ва эътиқод ватани деб билади, “Тузуклар”даги ҳикматларда инсон моҳияти ҳамда қадрини дунёвий тафаккур мезонлари орқали очиб беради. Бу тафаккур учқунлари “Соҳибқирон ёғдуси” достонининг бадиий-эстетик қувватини оширади, натижада муаллиф ҳайрат, ҳаяжон ва юксак маҳорат ила янгиланаётган жамиятдаги азалий қадриятлар – миллий ўзлик, табаррук тупроққа садоқат туйғуларининг умрбокийлик сирлари ва фалсафий қирраларини кашф қилишга интилади. Қозогистон ўзбеклари этномаданий бирлашмалари “Дўстлик” ҳамжамиятининг раиси, Халқаро Амир Темур хайрия жамғармасининг Қозогистон Республикасидаги бўлими раҳбари, Қозогистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Икромжон Ҳошимжонов “Амир Темур – дунё олимлари ва адиллари нигоҳида” мавзусида 2021 йилда Шахрисабзда бўлиб ўтган Халқаро илмий-амалий конференциядаги нутқида Қозогистондаги таълим ўзбек тилида олиб борилаётган умумтаълим мактабларининг “Ўзбек тили” ва “Ўзбек адабиёти” дарслкларига “Соҳибқирон ёғдуси” достони ҳақида маълумот ва асардан парча киритилаётганлигини алоҳида таъкидлади. 2020 йилда Қозогистонда, 2021 йилда Мисрда, 2022 йилда Бокуда ўтказилган Халқаро илмий-амалий анжуманларда Минҳожиддин Мирзонинг “Соҳибқирон ёғдуси” достонининг лингвопоэтик, лингвомаданий, лингводидактик хусусиятлари юзасидан тайёрланган маъruzалар, араб, инглиз, немис, рус ва турк тилларида нуфузли журналлар ва илмий тўпламларда чоп этилган мақолалар кўплаб олимлар ва темуршунос мутахассисларнинг эътиборини тортди. Булар ҳаммаси достонга халқаро миқёсда қизиқиши қучайиб бораётганлигини билдиради.

Ватанинни севиш, унинг манфаатлари йўлида фидойилик кўрсатиш, миллий ўзлик туйғуларининг мустаҳкамлигига эришишда, ўсиб келаётган ёш авлоднинг шахс ва миллат сифатида ички салоҳиятини юзага чиқаришида, буюк саркарда ва давлат арбоби Амир Темур феноменини ўрганишида, “Тузуклар”даги ҳикматларнинг моҳиятини англашида, ўзининг оила, миллат ва жамиятдаги ўрнини тушуниб, унга амал қилишида, уларнинг комил инсонлар бўлиб улғайишларида Минҳожиддин Мирzonинг “Соҳибқирон ёғдуси” достони бекиёс маънавий-маърифий аҳамиятга эга.



**Хулкар Ҳамроева,**  
филология фанлари доктори (DSc), Ўзбекистон  
давлат хореография академияси доценти

**Салимжон Ганиев,**  
Жанубий Қозогистон  
давлат педагогика университети ўқитувчisi

*Абадий-бадиий нашр*

Минҳожиддин Мирзо

**СОҲИБҚИРОН ЁЃДУСИ**

*Маърифий досмон*

Muharrir *Habib Abdiyev*

Badiiy muharrir *Dilmurod Jalilov*

Musahhih *Adolat Mustafoyeva*

Kompyuterda sahifalovchi *Hilola Sharipova*

Nashr. lits. AI № 154. 14.08.09

2022-yil 7-iyulda bosishga ruxsat etildi.

Bichimi 84 x 108  $\frac{1}{16}$ . Times New Roman garniturası.  
Offset bosma 11,76 shartli bosma toboq 4,3 nashr tobog‘i.

Adadi 3000 nusxa. raqamlı buyurtma.

Bahosi shartnoma asosida.

G‘afur G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa


ijodiy uyida chop etildi.

100128. Toshkent, Labzak ko‘chasi, 86.

*Telefon: (371) 241-25-24, 241-48-62, 241-8Z-29*

*Faks: (371) 241-82-69*

[www.gglit.uz](http://www.gglit.uz)    [info@gglit.uz](mailto:info@gglit.uz)



**Minhojiddin Mirzo**

Sohibqiron yog‘dusi. / M. Mirzo. – Toshkent: G‘afur G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2022-y. – 120 b.

UO‘K 821.512.133-1  
KBK 63.3(5O‘)4